**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА ВА**
**ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ КАФЕДРАСИ**

**БЕГНИЯЗОВА ҚУМАР АЛЛАМБЕРГЕНОВНА**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ: ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**5320400-халқаро журналистика таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”**
__________ Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммунникация кафедраси мудири, ф.ф.доктори Х. Дўстмуҳаммад
2013 йил “____” ____________

**ИЛМИЙ РАҲБАР:**
_________ ф.ф.д., профессор Ф.Мўминов
2013 йил “____” ____________

**Тошкент-2013**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**М У Н Д А Р И Ж АСИ**


| | Номланиши | бетлар |
|---|---|---|
| Кириш……………………………………………………… | | 3-8 |
| **Биринчи боб**: Қорақалпоғистонда интернет журналистикасининг пайдо бўлиши ва шаклланиши | | 8-16 |
| | **1.1** Қорақалпоғистонда интернет журналистиканинг шаклланиш тамойиллари | 16-21 |
| | **1.2** Қорақалпоғистонда интернет журналистиканинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги аҳамияти | 21-31 |
| **Иккинчи боб**: Қорақалпоғистонда интернет журналистиканинг ривожланиши | | 32-35 |
| | **2.1** Қорақалпоқча электрон нашрлар фаолияти: “Еркин Қарақалпақстан”, “Қарақалпақстан жаслары”, “Jetkinshek”, “Тўрткулнома” газеталари мисолида | 36-56 |
| | **2.2** Онлайн радиоканаллар: “Нукус ФМ” радиоканали мисолида | 56-63 |
| | **2.3** Қорақалпоғистон интернет журналистикасидаги оммавий коммуникативлик ҳамда коммуникацион жараёнларда хорижий тилларнинг аҳамияти ва ўрни | 64-72 |
| Хулоса………………………………………………………. | | 73-76 |
| Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати……….. | | 77-78 |
| Иловалар (агар бўлса)…………………………....... | | 79-84 |

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари доктори, профессор Файзулла Мўминов томонидан битирувчи Бегниязова Қумар Алламбергеновнанинг “Қорақалпоғистон интернет журналистикаси: шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари” мавзусидаги битирув малакавий ишига**

## ТАВСИЯНОМА

Битирув малакавий иши методологик тузилишга эга. Фактлар тўла асосланган. Мавзуга илмий, чуқур ёндашилган. Давлат аттестация комиссиясининг барча талабларига жавоб беради. Шу сабабли илмий раҳбар сифатида БМИ ҳимоя қилишга тавсия этаман.

**Илмий раҳбар:** **филология фанлари доктори,**
**профессор Файзулла Мўминов**

# Ҳимояга рухсат этилди:

**Факультет декани:____________________________А. Нурматов**
**Кафедра мудири: _____________________________Х. Дўстмуҳаммад**
**Илмий раҳбар: _______________________________Ф. Мўминов**
**Расмий тақризчи: ____________________________Т. Машарипова**

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

## Мавзу: ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ: ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТИ

**ДАК қарори: ўзбек гуруҳи талабаси Қумар Бегниязованинг**
**битирув малакавий иши "_____"га баҳолансин.**
**"________" ______________________ 2013 йил**

**ДАК раиси: А. Рахимов**

**ДАК котиби: Ф. Рахимова**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети битирувчиси**
**Бегниязова Қумар Алламбергеновнанинг “Қорақалпоғистон интернет журналистикаси: шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари” мавзусидаги битирув малакавий ишига**

# ТАҚРИЗ

"Қорақалпоғистон интернет журналистикаси: шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари” мазусидаги битирув малакавий ишини ўқиб чиқдим. Унда  Қорақалпоғистонда тармоқ тизимида фаолият кўрсатаётган электрон нашрлар, радиоканал ҳамда журналистик блоглар ҳақида илмий изланишлар олиб борилган. Ушбу электрон ОАВ воситаларининг пайдо бўлиши, шаклланиши ҳамда ривожланиш босқичларини ўрганилиб чиқилган. Шунингдек, веб-сайтлар кўриниши, формати, ўзига хослиги, ундаги айланаётган ахборот, публицистик асарларни таҳлил қилинган. Мавжуд муаммоларни кўрсатилган. Унинг ечимлари ҳам берилган. Қумар Бегниязова тадқиқотни ёзиш давомида бир нечта манбалар билан ишлаганлиги маълум бўлади. Яъни у электрон сайтларни бошқа веб-манзиллар билан ўзаро таққослайди. Публицистик асарларнинг жанр хусусиятларини ўрганиб чиқади ва унинг камчилик ҳамда афзалликларини келтириб ўтади. “Нукус ФМ” радиоканалидаги интерактивлик, электрон нашрлардаги аудитория билан муносабатни таъминловчи турли хил интернет хизматлари ҳақида ҳам тўхталади. Унинг оммани сайтга қизиқтиришдаги аҳамиятини кўрсатиб беради. Қорақалпоғистон интернет журналистикасининг пайдо бўлиш жараёнларини босқичларга бўлиб ўрганади. Фактлар келтиради. Мисоллар билан тушунтиради. Тармоқ журналистикасининг ривожланишига сабаб бўлган омилларни ўрганиб чиқади. Айниқса, битирув малакавий ишида Қорақалпоғистон интернет журналистикасининг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги аҳамиятини кўсатишда ҳар битта электрон сайтга алоҳида тўхталади. Ундаги мақола, дастур ҳамда эшиттиришларга омманинг муносабатини аниқлайди.

Мазкур тадқиқот жуда долзарб ва аҳамиятли. Негаки, шу пайтгача бу мавзуда ҳали мукаммал, тўла изланиш олиб борилмаган. Минтақадаги интернет журналистикаси ўрганилмаган. Шу сабабли ҳам Қорақалпоғистон интернет журналистикасида ҳамон эътиборсизлик кайфияти мавжуд. Агарда ушбу мавзуда Қумар яна изланишини давом этса, янги таклифлар берса, минтақдаги тармоқ журналистикасининг ривожланишига эришамиз.

Битирув малакавий ишининг методикаси ҳам назарий, ҳам амалий, ҳам таклифлардан ташкил топган. Тармоқ журналистикасининг назарияси берилган. У минтақада электрон ОАВ воситаларида қандай амалга оширилмоқда деган саволга жавоб изланган ва таклифлар берилган. Ушбу таклифлар эса жуда ўринли.

Албатта, битирув малакавий ишида айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, бир иккита жойда жумла бир бирига уланмаган. Шахсий блогларга кам тўхталган. Аммо бу тадқиқотга ҳеч қандай зарар теккизмайди.

Илмий изланишда электрон ОАВ воситаларида хорижий тиллар масаласи ҳам кўтарилган. Президентимизнинг 2012 йил декабрдаги қарорига қаратилган битирув ишининг жавоби ҳисобланади бу. Негаки, унда сайтларда мақолаларни узатишда хорижйи тиллар масаласи кўтарилади. Мисоллар билан тушунтирилади. Таклифлар берилади.

Хуллас битирув малакавий иши ҳам илмий, ҳам методикалик таркиби жиҳатдан тўла тадқиқот даражасига жавоб беради.

**Қорақалпоқ давлат университети журналистика**

**Факультети катта ўқитувчиси Т. Машарипова**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Интернет ахборот тарқатувчи восита. У омма ва ахборот ўртасидаги муносабатни ўрнатади. Маълум воқеа, ҳодиса ҳақида хабар беради ва жамоатчилик фикрини уйғотади.

Ҳозирда одамлар глобал тармоқдан асосан ахборот олиш учун фойдаланмоқда. Бошқа хизматларга эса (хат жўнатиш, интернет ўйинлари ҳамда қўшиқ эшитиш) оммавий ахборотга нисбатан кам мурожаат қилинмоқда[1]. Табиийки, бу жараён интернетда ахборот ташувчи восита ОАВга бўлган талабни ҳар қачонгидан ҳам оширади.

Бугунги ахборот харидорларининг диди бошқача. Улар тезкор, ҳаққоний, арзон ҳамда сифатли маълумотни хоҳлайди. Шунингдек, аудиториянинг ҳаммаси ҳам ахборот олиш учун махсус журналистик сайтларга мурожаат қилавермайди. Улар қидирув тизимига (google.co.uz, yandex.com) излаётган ахборотини киритади. Бу оддий фойдаланувчи учун энг қўлай усул ҳисобланади. Аммо баъзилар маълумотни ОАВ сайтидан олишни афзал кўради. Негаки, интернетдаги бошқа сайтлар томонидан узатилаётган ҳамма ахборот ҳам ҳаққоний бўлавермайди. Шу нуқтаи назардан ҳам интернет маконида ОАВ сайтларининг яшаши, фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

Айни пайтда Қорақалпоғистон интернет журналистикасида бешта электрон ОАВ фаолият кўрсатади. Шундан тўрттаси анъанавий газета, биттаси эса "Нукус ФМ" радиоканалининг веб-сайти ҳисобланади[2]. Мазкур веб-манзиллар ахборот узатиш соҳасида озми-кўпми хизмат кўрсатмоқда. Оммани кунлик воқеа, ҳодисалардан бохабар қилмоқда. "Еркин Қарақалпақстан" газетасининг www.erkinkk.kr.uz сайти жамиятнинг турли соҳаларига оид кунлик ахборотни узатади. "Қарақалпақстан жаслары" газетасининг www.qqjaslari.uz сайти эса республика ёшлари турмуши, изланиш, муваффақият ҳамда муаммоларини акс эттиради.

---

[1] Марахимов А., Рахманқулова К.С. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. – Тошкент: ТошДТУ, 2001.– Б.7-8

[2] Ш. Алланиязова. Интернет ва биз: глобал олам// Хабаршы. Нокис: Қарақалпақ университети. 2012.,- Б. 25-28.

Тенгдошларимизга кўзгу вазифасини бажаради. “Jetkinshek” газетасининг www.jetkinshek.uz сайти бўлса болалар ва ўсмирлар ҳаётидан ҳикоя қилади. www.turtkulnoma.uz сайти Қорақалпоғистон интернет журналистикасида туман газеталари ичида биринчи тармоқда ўз фаолиятини бошлаган “Тўрткулнома”нинг электрон манзили саналади. “Нукус ФМ” радиоканалининг www.karstars.com сайтида эса каналда жаранг сочган ранг-баранг эшиттириш ва дастурлар ўрин эгаллаган. Бундан ташқари, мазкур веб-манзилда мижозлар учун турли хизматлар ҳам тақдим этилган. Ушбу электрон сайтлар электрон кўринишдаги ахборотни аудиторияси, формати, йўналишидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаради.

Албатта, минтақада интернет журналистикаси бирданига пайдо бўлганича йўқ. Унинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишига сабабчи бир нечта омиллар мавжуд. Ушбу омилларни ўрганиш, таҳлил қилиш жуда муҳим.

Интернет ва анъанавий журналистика ўртасида умумийлик ва ўзига хосликлар мавжуд. Электрон ОАВ ахбороти, эшшитириш ҳамда дастур интерактивлиги, қизиқарли, тушунарли, қисқа, лўндалиги билан анъанавий ОАВдан фарқланади. www.erkinkk.kr.uz сайтида аксарият публицистик мақолалар ушбу талабларга тўла жавоб бермайди. Мақолалар газетада қандай чиқса, ўзгаришсиз шундай сайтга жойлаштирилади. Худди шу ҳолатни www.qqjaslari.uz, www.jetkinshek.uz, www.turtkulnoma.uz электрон сайтларида ҳам кузатишимиз мумкин. www.karstars.com сайтида эса кўпроқ эшиттириш ва дастурлардан кўра, аудиторияга қўшиқ, видеоларни тақдим этади. Бугунги тармоқ журналистикаси буни қабул қилмайди. Пулли интернетга уланган мижоз ўзи хоҳлаган ахборотини тез, қисқа ва лўнда олишни истайди. Мабода ушбу талаб қондирилмаса, у бошқа электрон манбалардан фойдаланади. Қўшиқ, видеоларни эса текин хизмат кўрсатиш воситасидан (телефон, телевидение, анъанавий радиоканаллар) олади. Тўғри, Қорақалпоғистонда интернет журналистикаси секин-аста ривожланаяпти. Мумаммолар бартараф этилмоқда. Аммо тармоқ журналистикаси бу секин ҳаракат, ривожланишга

қараб турмайди. Унда ахборот қандай тезликда айланса, унинг тараққиёти ҳам шундай тезликни талаб қилади. Негаки, омма алла қачон тармоқни ОАВ воситаси сифатида тан олган. Шундай шароитда Қорақалпоғистондаги интернет журналистикаси ривожланишидаги мавжуд муаммо ва қийинчиликларни тадқиқ қилиш керак.

Шу ўринда яна битта мулоҳаза. Телевидение-бу жонли ҳаёт, жонли ахборот дегани. Ҳозирда Қорақалпоғистонда бирдан бир “Қарақалпақстан” телеканали мавжуд. У ҳар куни ўн саккиз соат ўз дастурларини эфирга узатади. Аммо шу кунгача минтақадаги ягона каналнинг интернетда сайти йўқлигини нима билан изоҳлашимиз мумкин?! Ахир жамиятда ҳар бир ОАВ замонга мослашиши, ахборотини интернетда ҳам айлантириши, сотишини ўйлаши керак эмасми?! Бу савол шундай муаммолари мавжуд минтақадаги газета, журнал ва “Қарақалпақстан” радиоканалига ҳам тегишли. Демак соҳадаги тармоқ журналистикаси камчиликларини бартараф қилиш долзарб масала.

Ҳозирда айрим журналистлар ўзининг шахсий блогларини яратишга уринмоқда. Блог яратиш-сайтга нисбатан осон ва чўнтакбопроқ[3]. Қорақалпоғистон интернет журналистикасида электрон ОАВга нисбатан блоглар фаолиятидаги айрим ўзига хос афзаллик ва ютуқлар диққатга лойиқ. Яъни блогда муаллиф фойдаланувчи ва журналист ўртасидаги масофани қисқартиради. Ғарб интернет журналистикасида-бу жуда аҳамиятли. Қорақалпоқ интернет журналистикасидаги шундай айрим ютуқ ва афзалликларни ўрганиш, уни бошқа электрон ОАВ фаолиятида ҳам қўллаш зарур.

**Тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари;**

- Қорақалпоқ интернет журналистикаси фаолиятини ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш;

---

[3] Рашидова Д, Муратова Н. Интернет журналистика. –Тошкент: Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, 2007.-Б. 46.

- электрон нашр, радиоканал сайтидаги мақола ҳамда эшиттиришларни таҳлил қилиш, истеъмолчиларнинг унга нисбатан муносабатини аниқлаш;
- соҳага оид янги таклифларни бериш, муаммони ҳал қилишнинг осон ва сифатли усулларини кўрсатиш;
- электрон ОАВ фаолиятини таққослаш орқали ўрганиш;
- интернет журналистикаси жанрларининг ўзига хос хусусиятларини электрон нашр, онлайн радиоканаллардаги мақола, дастурлар мисолида таҳлил қилиш.

Тадқиқотда зарур хулоса ва тавсияларни ёритиш ҳам мақсад қилинган.

Энг асосийси эса минтақада тармоқ журналистикасининг ривожланишига эришишдан иборат.

**Тадқиқотнинг янгилиги.**

Ҳануз журналистика соҳасида Қорақалпоғистон интернет журналистикаси бўйича ҳеч қандай илмий изланиш олиб борилмаган. Тадқиқотда минтақадаги тармоқ журналистикасида бошқалар эътибор бермаган ва ўрганса арзийдиган ўзига хос хусусиятлар мавжудлиги аниқланди. Қорақалпоғистон интернет журналистикасининг пайдо бўлиш, шаклланиш, ривожланиш босқичлари ўрганилди. Натижада, бу жараёнда журналистлар ўрнак олса арзийдиган тармоқ журналистикаси тажрибаси борлиги маълум бўлди.

**Мавзунинг тадқиқот қилишга лойиқлигини қўйидагича таснифлаш мумкин;**

- ахборот экспорт ва импортида асосий коммуникация воситаси интернет ОАВга талабнинг ортиши;

- минтақада электрон ОАВ соҳасидаги янги қадамлар;

- омманинг газета ўқиш, радио тинглаш ва телевизор кўришга қараганда тармоқни хуш кўриши;

- Қорақалпоғистонда интернет нашр, онлайн радиоканаллардаги истиқболлар.

Тадқиқотнинг натижаларидан Қорақалпоқ давлат университети журналистика факультетида ўқитиладиган “Интернет журналистикаси” дарсида фойдаланиш мумкин. Қорақалпоғистон интернет журналистикасини ўрганиш бўлажак журналистлар учун ўта муҳим. Назарий ўрганилган билим эса эртага тармоқ бўйича журналистларнинг иш тажрибасини ҳар томонлама бойитишга ёрдам беради.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотда Қорақалпоғистон интернет журналистикасининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари илмий таҳлил қилинади. Таҳлил мисоллар билан исботланади. Минтақадаги тармоқ журналистиканинг пайдо бўлиши ҳамда шаклланишида ҳукумат қарорлари, мавжуд давлат ва ташкилотларнинг таъсири кучли бўлганлиги бир нечта Президентимизнинг фармон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг www.sovminrk.gov.uz, И.В Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат музейининг www.museum-s.info сайтлари мисолида ўрганилади, таққосланади. Бир бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари кўрсатилади. Шунингдек, тадқиқотда электрон нашрлар, онлайн радиоканалдаги жанрлар ҳам ўрганилади. Анъанавий жанрлардан фарқи мақола, эшиттиришлар мисолида кўрсатилади.

**Мавзунинг предмети.**

Мавзунинг предмети Қорақалпоғистондаги интернет ОАВ фаолияти, унинг ўзига хослиги, ривожланиши, шаклланиши, пайдо бўлишини ўз ичига қамраб олади.

Объекти бўлса Қорақалпоғистон интернет журналистикаси ҳисобланади. Объек доирасида мавжуд электрон нашр, онлайн радиоканаллар ўрганилади, таҳлил қилинади.

Қорақалпоғистон интернет журналистикасининг ижобий жиҳатларига қараганда камчилик, муаммолари кўпроқни ташкил этади. Буни айрим электрон ОАВ сайтларининг баъзида ишламай қолиши, саҳифаларнинг

вақтида янгиланмаслиги ҳамда анъанавий ОАВда узатилган ахборотнинг онлайнда ҳам худди шундай жойлаштирилиши мисолида айтиб ўтишимиз мумкин. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун эса интернет тилини тушунадиган кадрлар керак. Бундан ташқари, тармоқда фаолият кўрсатадиган журналистларни интернет талаб, қонун-қоидаларига мослаштириш, ўргатиш, малакасини ошириш керак бўлади. Бу бўйича қўшимча таклифлар бериш ҳамда унинг ривожланишига йўл-йўриқ кўрсатиш ҳам асосий мақсадимиз ҳисобланади. Негаки, ўзимиздаги камчилик ўзимизга кўринмайди. Ўзгаларники эса аксинча. Қорақалпоқ интернет журналистикасини анъанавий журналистика нуқтаи назаридан баҳолайдиган фурсат ўтди. У бутунлай ўзгача коммуникация воситаси, ахборот ташувчиси саналади. Шундай экан, уни бошқа онлайн ОАВ фаолияти билан таққослаш, интернет журналистикаси назарияси асосида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

**Битирув малакаваий ишининг тузилиши.**

Битирув малакавий ишининг умумий ҳажми 88 бетдан иборат. У иккита бобдан ташкил топган. Биринчи бобда иккита, иккинчисида эса учта бўлим мавжуд. Шунингдек, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва мавзу бўйича иловалар ҳам кўрсатилади.

## I БОБ: ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ

Глобал тармоқнинг яратилиши ва оммалашуви барча турдаги ахборотни электрон кўринишга келтирди. Бу жараён интернетда глобал ахборот тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келди. Глобал ахборот-бу умумий характерга эга бўлиб, у ҳамма учун бирдек хизмат қилади. Бунда ахборот тармоқ орқали импорт, экспорт қилинади[4]. Ахборот импорт ва экспорти эса интернетда оммавий ахборот воситалари фаолиятини йўлга қўйди. Илк бора ушбу тизим АҚШнинг “The SKY” газетасининг веб-сайтининг яратилиши билан бошланди[5]. Сўнгра жараён жадаллашди. Дунёнинг ривожланган давлатларининг етакчи ОАВ аста-секин интернетда махсус ўз сайтларини яратди. Интернетнинг глобаллик кўриниш касб этиши ОАВ учун ўз аудиториясининг кенгайтиришга имкон берди. Ва мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг тармоққа уланиш жараёни бошланди. Аммо ОАВ глобал тармоқни 2002 йилдагина ўзлаштирди. Мазкур жараённинг тезлашувига 2002-2010 йилларда компьютерлаштиришни ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Миллий дастур кўмаклашди[6]. Ўшанда бу дастурда республикамиздаги миллий сегментти ривожлантириш йўналишлари белгилаб берилган эди. Ўзбек сегменти Uznet провайдири томонидан кўрсатиладиган ахборот хизматлари ахборот заҳираларини оптималлаштирди. Ва интернет ОАВни яратишда яхши қўл келди. 2002 йил анъанавий ОАВ ўз электрон версияларини яратиш орқали виртуал маконни ўзлаштира бошлади. Сўнгра “Халқ сўзи”, “Правда востока”, “Ўзбекистон овози” газеталарининг веб-сайтлари ишга тушди. Ҳозирда

---

[4] Waters, Malcolm. Globalization. –London: Routldge, 1995, page-2.

[5] Марысаев В. Интернет и мультимедиа. –Москва: Издательство: Терра - Книжный клуб, 2001.-Б. 57

[6] Рашидова Д.К. Интернет в Узбекистане: проблемы и возможности. –Тошкент, 2003.-Б. 63

республикамизда миллий доменимизда фоалият кўрсатаётган 1600та сайт мавжуд[7]. Шундан 200 ОАВга тегишли. Шу 200та ОАВ сайтлари ичида Қорақалпоғистонда фаолият кўрсатаётган онлайн ОАВ ҳам бор.

Қорақалпоғистонга интернетнинг кириб келиши 1997 йилга тўғри келади[8]. Илк бора 1998 йил тармоқда қорақалпоқ тилидаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг www.sovminrk.gov.uz сайти ўз фаолиятини бошлади[9]. Сўнгра И.В Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат музейининг www.museum-s.info сайти тармоққа қўшилди. Ушбу сайтлар Қорақалпоғистонда рўй бераётган янгилик ва ўзгаришларни ҳам аудиторияга тезкор етказиб турди. Ва анъанавий ОАВнинг электрон кўриниши яратилганча тармоқдаги асосий ахборотнинг экспорти билан шуғилланди. Масалан, 1998 йил декабрда www.sovminrk.gov.uz сайти саҳифасида "Кун кемшилиги" (1998 йил 23-октябр), "Жоқары Кенестеги сессия" (1998 йил 15-ноябр), "Шетки ауылдағы жанаша мектеп" (1998 йил 5-декабр), "Айзаданын кестелери", "Онерментлерге жана имканиятлар" (1998 йил 29-январ) каби мақолалар эълон қилинган. Аммо ушбу мақолалар жанр хусусияти жиҳатдан тўла талабга жавоб бермайди. Буни тушунса бўлади. Негаки, сайтнинг асосий вазифаси журналистик материал яратиш ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантириш эмас, теша-тегмаган янгилик ҳақида маълумот бериш, хабардор қилишдангина иборат бўлган. Аммо бундаги ахборийлик хусусиятини ҳам эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Масалан, "Кун муаммоси" сарлавҳали мақолада Нукус шаҳри, Қизкеткан кўчасидаги чиқиндилар масаласи кўтарилади. Буни жанр нуқтаи назаридан таҳлил қилганимизда, у публицистик, сиёсий, муаммоли мақола туркумига киради. "Жоқары Кенестеги сессия", "Шетки ауылдағы жанаша мектеп" мақолаларини ҳам шунга мисол қилишимиз мумкин. "Айзаданын кестелери", "Онерментлерге жана имканиятлар" мақолалари публицистик, маданий

---

[7] Сатторов Ш. Мамлакатимиздаги интернет сайтлари талқини ва танқиди// Turkiston. Тошкент: 2013 йил 34 сон. –Б.5
[8] Оразимбетова А. Қарақалпақстан шараятинда интернет журналистика// Қарақалпақ журналистикаси: кеше ҳам бугун. Нокис: Қарақалпақ университети. 2011. –Б. 34-39
[9] Оразимбетова А. Қарақалпақстан шараятинда интернет журналистика// Қарақалпақ журналистикаси: кеше ҳам бугун. Нокис: Қарақалпақ университети. 2011. –Б. 34-39

йўналишдаги мақола ҳисобланади. Бироқ ушбу мақолаларнинг муаллифлари кўрсатилмаган. Бундан кўринадики, мазкур давлат сайти дастлаб Қорақалпоғистонда тармоқдаги журналистика фаолиятини қисман бажарган. Бундай хусусиятни www.museum-s.info сайтида ҳам кузатишимиз мумкин. Тўғри. Сайтда асосан музей, экспонантлар ҳақидаги ахборотлар ўрин эгаллаган. Шунингдек, унда Қорақалпоғистондаги қадимий қадамжолар, шаҳар, туманлар ҳақидаги маълумотлар ҳам киритилган. Бундан ташқари, Қорақалпоғистондаги музей фаолияти билан боғлиқ янгиликлар ҳам бериб борилган. Масалан, 1998 йил 17-ноябрдаги сайтнинг “Публикации” бўлимига “Келисим натийжеси” хабари жойлаштирилган. Бунда 1998 йил 15-ноябрда музейда ўтказилган очиқ эшиклар куни ҳақида гап кеткан. Қайсидир маънода бу-ахборот. У ахборийлик хусусиятига эга. Аммо уни узатиш маҳоратли журналистлар томонидан амалга оширилмаган. Шунинг учун камчиликлардан ҳам йироқ эмас. Ахборотни шундай давлат ва ташкилотларнинг махсус сайтлари орқали узатиш дастури 2007 йилгача Қорақалпоғистонда давом этди.

2007 йил 7-февралда Қорақалпоғистон алоқа ва хабар агентлиги томонидан рўйхатга олинган илк “Еркин Қарақалпақстан” ва “Вести Каракалпакстана” газеталарининг www.erkinkarakalpak.uz сайти ишга тушди. Мазкур сайт ахборот ишлаб чиқарадиган ҳамда узатадиган соф қорақалпоқча биринчи анъанавий газетанинг электрон нашри бўлди.

Қорақалпоғистонда интернет журналистикаси бирданига пайдо бўлган жараён эмас. У босқичма-босқич шаклланди. Унинг шаклланишига эса бир нечта омиллар ўз таъсирини кўрсатди. Уларни қуйидагича таснифлашимиз мумкин;

- минтақада интернетга талабнинг кучайиши;

-ахборот технологияларини ривожлантиришга қаратилган қарорларнинг қабул қилиниши;

- интернетнинг оммалашуви;

- тармоқ орқали ахборотнинг арзон нархда ишлаб чиқарилиши;

- миллий ахборотнинг ахборот бозорига осон кириб бориши.

Интернет журналистикаси фаолитига таъсир кўрсатган биринчи омил бу тармоқдан фойдаланишга бўлган талабнинг ортиши ҳисобланади. Тўғри, ўшанда интернет ҳали ҳамма хонадонларга кириб бормаган, аммо у айрим муассаса, идораларда мавжуд эди. Шунингдек, унинг имкониятлари анъанавий ОАВ орқали бот-бот таъкидлаётганди. Натижада, жамиятда унинг оммалашуви кузатилди. Бу Қорақалпоғистон шароитида интернетга талабни анча кучайтирди. Интернет воситасида ахборотнинг арзон нархда ишлаб чиқарилиши ҳам янги тармоқ тизимидаги журналистиканинг вужудга келишига ўз таъсирини кўрсатмай қўймади. Анъанавий газеталар ўз саҳифаларида хориж хабарларини тайёрлашни бошлади. Бунда улар тезкор ахборот ташувчи интернетга мурожаат этди. Бу ахборотнинг тармоқ орқали тезда ахборот бозорига кириб боришига имкон беришини англатди.

Бундан ташқари Қорақалпоғистонда интернет журналистикасининг пайдо бўлишида давлат ва ташкилот сайтлари ҳам катта таъсир кўрсатди. Негаки, онлайнда ОАВнинг илк яратилган веб-сайтларини кўрганимизда, улардан андоза олган ҳолда яратилганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, www.erkinkarakalpak.uz (1-расм)нинг дастлабки кўриниши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг www.sovminrk.gov.uz (1-расм) сайтига жуда ўхшаш тарзда бўлди. Саҳифа ойнаси дизайни, рангида ҳам бир хилликни кузатдик. Янгиликларни жойлаштириш услубида ҳам уйғунликлар бор. Айни пайтда унинг кўриниши анча ўзгарган. Иккала сайт ҳам ўзига хос дизайнга эга.




**(1-расм)**




**(2-расм)**

Тармоқда илк электрон нашрнинг пайдо бўлиши бошқа ОАВ сайтларининг яратилишига замин яратди. 2008 йилда Қорақалпоқ ёшларининг ижтимоий-сиёсий газетаси “Қарақалпақстан жаслары”нинг www.qq.jaslari.uz сайти ишга тушди. Унда анъанавий газетада чоп этилган мақолалар ўрин эгаллади. Мазкур сайтнинг кўриниши “Еркин Қарақалпақстан” газетасининг сайтига ўхшасада, ундан фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд эди. Ранг, логин, саҳифа ойналаридаги янгиликлар электрон ОАВнинг шаклланиш жараёнидаги анча ривожланишни кўрсатади. Буни эса аудиториянинг интернетдаги ОАВга нисбатан талабининг ортиши билан баҳолашимиз мумкин. Негаки, 2008 йилда Қорақалпоғистоннинг аксарият

муассаса ва ташкилотлар фаолиятига интернет аралаша бошлади. Шунингдек, қўл телефонларидан тармоқдан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Бу ўз навбатида интернет ОАВ олдига катта вазифа ҳамда маъсулиятни юклади. Сўнгра 2011 йил болалар ва ўсмирлар газетаси “Jetkinshek”нинг www.jetkinshek.uz сайти ахборот майдонига кириб келди. У анъанавий газетанинг шаблони вазифасинигина бажарди. Сабаби, электрон нашрда фақат мақолаларгина жой эгаллади. Бошқа ОАВ сайтларидаги интерактивликни ўзида қамраб ололмади. “Еркин Қарақалпақстан”, “Қарақалпақстан жаслары” газетаси сайтларида эса қисман аудиторияни қизиқтирадиган ва интерактив журналистика кўринишлари мавжуд эди. Масалан, www.qq.jaslari.uz веб-саҳифасида “Пикир” бўлими бўлиб, унда фойдаланувчи мақолалар бўйича ўз қараши, таклифини қолдириш имкониятига эга бўлди. Бундай интерективликни ўзида жамлаган интернет ОАВ сирасига 2011 йилда онлайнда сайтини ташкил этган “Нукус ФМ” радиоканалини ҳам мисол қилишимиз мумкин. Унинг электрон манзили www.karstars.com. Ҳозирда ушбу сайт Қорақалпоғистонда аудиторияси қамрови  жиҳатдан биринчи пағонадаги сайт саналади. Унда кунлик радиоканал эшиттиришлари жойланади. Шунингдек, сайтдан қўшиқ, видеоларни кўчириб олиш имконияти ҳам мавжуд. Бундан ташқари турли интерактив ўйин, викториналар фойдаланувчиларнинг сайтга қизиқишини орттирмоқда. Бу эса онлайнда радиоканалнинг замонавий интернет жураналистика талабларига жавоб бераётганлигини исботлайди.

Қорақалпоғистонда интернет журналистикасининг шаклланишини бир нечта босқичларга бўлиб ўрганишимиз мумкин. Улар қуйидагича таснифланади;

1. давлат, ташкилот ва муассасаларнинг сайтларининг яратилиши;
2. махсус  реклама берувчи сайтларнинг пайдо бўлиши;
3. анъанавий ОАВ учун интернет материалларидан фойдаланиш;

4. анъанавий газеталарнинг электрон нашрлари фаолиятининг йўлга қўйилиши;
5. журналистик блогларнинг иш бошлаши.

Қорақалпоғистон интернет журналистикасида анъанавий ОАВ сайтлар фаолияти уч босқични босиб ўтгандан кейингина юзага келган. Ундан олдин давлат, ташкилот ҳамда муассасаларнинг сайтлари пайдо бўлган. Махсус реклама берадиган веб-сайтлар фаолият кўрсаткан. Масалан, www.reklama.kr.uz сайти доимий рекламаларни тарқатган. Рекламалар воситасида истеъмолчиларга ахборот етказган. Сабаби, журналистикада реклама ҳам ахборот товари саналади. Бу эса аудиторияни интернет ёрдамида ўз истакларини амалга ошириш имкониятини кенгайттиради. Бундан ташқари www.Nukus.net сайтида ҳам рекламаларга кенг ўрин ажратилган. Мазкур сайт шаҳар ҳақидаги барча маълумотларни қамраб олган. Унда фақат рекламалар берилиб қолмасдан, аудиторияни жалб қилиш учун янгиликлар ҳам берилади. Негаки, ахборотлар фойдаланувчилар учун фойдали ҳамда самарали ҳисобланади.

Сўнгра анъанавий ОАВ ўз саҳифаларида интернетдан олинган мақолалар эълон қилишни бошлади. Масалан, “Еркин Қарақалпақстан” (Вести Каракалпакстана), “Қарақалпақстан жаслары”, “Устаз жолы”, “Jetkinshek” газеталарининг махсус “Веб алем” рукнида, “Қарақалпақстан” телеканалидаги “Ассалам Қарақалпақстан” кўрсатувидаги “Интернет хабарлари” рубрикасида тармоқдан олинган янгиликлар ўрин эгаллаган. “Еркин Қарақалпақстан” ва “Вести Каракалпакстана” газеталари “Дуня жаналықлары” рубрикасида доимий жаҳон янгиликларини ёритиб туради.

Илк яратилган электрон ОАВнинг аудиторияси кўп бўлмаган. Ундан асосан давлат, муассаса, ташкилотларда ишлайдиганлар фойдаланишган. Негаки, ўшанда интернетнинг Қорақалпоғистондаги қамрови кенг эмас эди. Тармоқ секин-аста ОАВ фаолиятига шу йўсинда аралаша бошлади. Бу аралашув электрон ОАВнинг пайдо бўлишига олиб келди. Энг дастлабки

“Еркин Қарақалпақстан” газетаси сайтининг иш бошлашида ҳам шу омилларнинг таъсири кучли.

Анъанавий ОАВнинг сайтлари иш бошлагандан кейин тармоқда хусусий блоглар яратилди. Мазкур блоглар тармоқдаги мавжуд захираларга таяниб, мухбирлик пунктлари ташкил этишга қўшимча сарф харажатлар қилмасдан, аудиториянинг эҳтиёжларига тезкор жавоб беришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ёки ўзини интернет маконида яхши кўрсатган амалиётни мослаштириб олиш имкониятини беради. Блог бир йўналишда ахборот манбаидан уни олувчига томон борадиган анъанавий ахборот бериш андозасининг ўзгариб бораётганлигига яққол мисол бўла олади. Ҳозирда блогларни қонун чиқарувчи, олим, жамоат арбоблари, сиёсатчилар кенг фойдаланишмоқда. Мазкур шакл у ёки бу масалада мунозара, муҳокама ўтказиш учун қўлай шарт-шароитларни яратади. Яратиш ва қўллаб-қувватлашнинг нисбатан осонлиги туфайли ҳам Қорақалпоғистонда тармоқдаги блоглар юзага келди. Масалан, “Еркин Қарақалпақстан” газетаси мухбири Бухарбой Тилеўмуродовнинг www.kkreporter.uz, профессор Б. Абдикамалов, Людмила Борисова, Руслан Аллашов, Сағиндиқ Ембергеновнинг блогларини айтиб ўтишимиз мумкин. Айни пайтда бундай блогларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Қорақалпоғистон шароитида оммавий журналистика шаклланаётганлигидан далолат беради.

Қорақалпоғистонда интернет журналистиканинг шаклланиши шундай жараёнларни босиб ўтган.

## 1.1. Қорақалпоғистон шароитида интернет журналистиканинг пайдо бўлиши ва шаклланиш тамойиллари

Бирон нарсанинг пайдо бўлиши, шаклланишида ўзига хос тамойиллар бўлади. Ушбу тамойиллар унинг ривожланиши, оммалашувига туртки бўлади. Қорақалпоғистонда интернет журналистиканинг пайдо бўлишининг ҳам тамойиллари мавжуд. Буни мамлакатимиздаги ахборот технологияларини ривожлантиришга қаратилган қатор қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Масалан, 2002 йил 30-майда ПФ-3080 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди[10]. Бу фармонни амалда бажариш бўйича ва ахборот коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устиворликни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6-июнда 200-сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди[11]. Мазкур қарорда 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. ХТВдаги умумтаълим мактаблари компьютерлар билан таъминланди. Дарсликлар яратилди. Малака ошириш бўйича мутахассислар ҳар уч йилда ахборот технологиялари бўйича ўз малака ва тажрибалари ошириши белгиланди. Бу давлатимиздаги ахборот технологияларига бўлган эътиборни янада кучайтирди. Натижада, республикадаги барча муассаса ва ташкилот, ўқув юртлари тармоқдан фойдаланишни бошлади. Ушбу қарор натижасида Қорақалпоғистонда ҳам ахборот коммуникация воситаси компьютер, интернет хизматларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилди. Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича жойларда бир нечта самарали ишлар амалга оширилди. Сўнгра 2004 йил 29-апрелда 613-II сон “Электрон тижорат тўғрисида” ҳамда “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди[12]. Бу электрон ҳужжатларни ахборот коммуникация тизими орқали жўнатиш ҳамда қабул қилиш жараёнларини кучайтирди. Натижада ташкилот, муассасалар ўртасида электрон шаклдаги ҳужжат алмашиш тизими ривожоланди.  Ҳужжат алмашиш ахборот алмашиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги боис ОАВ соҳасида электрон ахборот алмашишнинг самарали усулидан фойдаланишга бўлган талабни келтириб

---

[10] http//www.gov.uz/index-php/2010.02.01
[11] http//www.gov.uz/index-php/2009.11.52.01
[12] http//www.erkinkarakalpak.uz /index-phl/2012.34.13.41

чиқарди. Бу пайтда Қорақалпоғистон шароитидаги анъанавий ОАВ электрон кўринишга ўтмаган эди. Аммо фаолиятида электрон ҳужжат ҳамда ахборотларни ахборот коммуникация воситалари орқали жўнатиш, қабул қилишни бошлади. Мазкур ҳолат Қорақалпоғистонда электрон ОАВнинг пайдо бўлиш жараёнини тезлаштирди.

Бундан ташқари, 2005 йил 8-июлда ПҚ-117 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу 2002 йилдаги қарорнинг узвий давоми бўлди ва ахборот-технологияларига бўлган эътиборни кучайтирди. Кетма-кет коммуникация воситалари бўйича қарорларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши ОАВ учун ҳам янгидан-янги вазифаларни юклади. Натижада, мамлакатимизда бир нечта анъанавий ОАВ ўзларининг интернетдаги электрон фаолиятини йўлга қўйди. Ўшанда Қорақалпоғистонда ОАВнинг веб-сайтлари фаолияти ҳали бошланмаган эди. Фақат ташкилот ва муассасаларнингина сайтлари мавжуд эди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17-декабрдаги 259-сон "Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори кучга кирди[13]. Унда ушбу Ҳукумат портали давлат ахборот ресурси ҳисобланиши ҳамда сайтда чоп этилган ахборот ОАВ воситаларида эълон қилинган ахборот билан тенг ҳуқуқга эга эканлиги белгилаб берилди. Бу Қорақалпоғистондаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг www.sovminrk.gov.uz сайтининг янада ривожланишига сабаб бўлди. Ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши Қорақалпоғистонда интернет журналистикасининг пайдо бўлишига ўз таъсирини кўрсатди.

Мавжуд қарорлар ҳукумат портали ва ташкилотларнинг веб-сайтлари фаолиятини анча ўзгартирди. Улар олдин номигагина фаолият кўрсатаётган бўлса, кейинчалик унга жиддий ёндашила бошлади. Сайт дизайни, бўлими,

---

[13] Байимбетов Б. Интернет ва унинг эволицион тарихи// Қарақалпақ университети. Нокис: Қарақалпақ университети. 2011. –Б. 3

мазмуни бутунлай ўзгарди. Унинг аудиторияси ҳам кенгайди. Мазкур сайтлар миллий ахборот ишлаб чиқаришни бошлади. Қорақалпоғистонда интернет журналистикасининг пайдо бўлишидаги иккинчи тамойил муассаса ва ташкилотларнинг сайти ҳисобланади.

Давлатимизда барча ўқув даргоҳининг компьютерлаштирилиши интернетдан ҳамма фойдаланиш имкониятини тўғдирди. Оммавий кўринишга эга бўлаётган интернет ОАВни жонлантирди. Бу Қорақалпоғистонда интернет журналистиканинг пайдо бўлишида сабабчи учинчи тамойил саналади.

Анъанавий ОАВ саҳифа, дастур, эшиттиришларида интернет материаллари асосида тайёрланган хабар, мақолалар чоп этилди. Айрим газеталар ҳар бир сонида махсус хорижда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ёритадиган рукнлар ташкил этди. Бу Қорақалпоғистондаги ОАВ фаолиятига тармоқнинг аралашганлигидан далолат беради. Тўртинчи тамойил мана шунда кўринади.

Интернет нафақат компьютерга, балки мобил телефонларга ҳам жойланди. Одамлар қўл телефонлари орқали арзон нархда ахборот қабул қилишни бошлади. Бу анъанавий ОАВнинг ўз маҳсулотларини тармоқ истемолчиларига ҳам узатиш вазифасини қўйди. Ниҳоят интернет ахборотига бозорда талабнинг ортиши Қорақалпоғистонда интернет журналистиканинг интернетда иш бошлашига туртки бўлди. Айтиб ўтганимиздек, 2007 йил "Еркин Қарақалпақстан" ва "Вести Каракалпакстана" газетасининг электрон кўриниши яратилди.

Мана илк электрон шаклдаги газетанинг веб-сайти пайдо бўлди. Энди савол тўғилади. Унинг шаклланиш жараёни қандай кечди?

Дастлаб сайт оддий кўринишга эга бўлди. У фақат газета саҳифаларидаги мақолаларнинг айримларини жойлаштириш билангина чегараланди. Сайт истеъмолчилари ҳам унчалик кўп бўлмади. Аммо бу узоқ давом этмади. Унга рақобатдош янги веб-сайтлар пайдо бўлди. "Қарақалпақстан жаслары" газетасининг сайти фикримизнинг далили. Яна орадан озмунча ўтмай веб

кенгликларда ахборот алмашадиган харидорлар пайдо бўлди. Бу ОАВнинг электрон саҳифаларининг янги формат, янги кўриниш касб этишига таъсир қилди. www.erkinkarakalpak.uz, www.qq.jaslari.uz сайтлари фойдаланувчиларга мақолалар учун фикр билдириш имкониятини яратди. Интернет журналистикасининг шаклланиши оддийликдан, талабларнинг кучайиб бориши натижасида мураккаб кўриниш касб этиб борди. "Еркин Қарақалпақстан" ва "Вести Каракалпакстана" газетасининг электрон кўриниши умуман янги форматда майдонга чиқди. Дизайни чиройли, чап ва ўнг ойналарда ахборотдан бошқа маълумотлар: тақвим, об ҳаво, пул курслари, рекламалар жойланди. Шунингдек, газетада чоп этилмаган айрим мақолалар ҳам унга киритилди. Сайт ўз саҳифаларида кўпроқ танқидий, муаммоли мақолаларни жойлаштирди. Бу аудиториянинг сайтга қизиқишини оширди. Фикр билдирувчиларнинг сони кўпайди. Яна электрон нашрлар ўртасидаги рақобатни келтириб чиқарди. Мазкур газетанинг веб-сайтидан андоза олган болалар ва ўсмирлар газетаси "Jetkinshek" ўз сайтини ишлаб чиқди. Унинг ҳам илк кўриниши "Еркин Қарақалпақстан" ва "Вести Каракалпакстана" газетасига қисман ўхшаб кетади. Аммо электрон ОАВ фаолиятида мавжуд муаммолар ҳам кузатилди. Масалан, сайтлар баъзан ишлаб, айрим ҳолларда ишламай қолди. Мазкур ҳолат электрон ОАВнинг ўз мухлисларини йўқотишига олиб келди. Интернетдаги қорақалпоқ тилидаги ОАВ сайтларини кузатганимизда айрим вақтлар янгиланмай қолишининг ҳам гувоҳи бўлдик. Ушбу ҳолат Қорақалпоғистонда тармоқ журналистикасининг жуда секин шаклланишига олиб келди.

Яна битта муҳим нарса. Одамлар интернетдаги ОАВ фаолиятидан яхши бохабар эмас. Ҳаттоки, баъзилар тармоқда электрон ОАВнинг фаолият кўрсатишини ҳам билмайди. Улар шунчаки, интернетдан маълумот олиш ёки ижтимоий сайтлардаги қизғин суҳбатнинг иштирокчиси бўлиш учун фойдаланади. Шу ўринда бари бир чет эл тажрибасига таянамиз. Масалан, АҚШда аксарият одамларнинг газета ўқиш, телевизор кўриш ҳамда радио эшитишга вақти йўқ. Улар кунлик ахборотларни электрон нашр, телевидение

ва радиодан олади. Онлайн ОАВ шунчалик ривожланганки, ундаги ахборотлар сониялар ичида алмашади. Ва глобал кўринишга эга бўлади. Ўз ахборотини хорижга сотадиган ОАВ ушбу усулдан унумли фойдаланади.

Ҳозирда глобал қишлоқ формуласи ахборотларга нисбатан ишлатилмоқда. Дунёни ахборотлар ёрдамида бошқариш тамойили айнан электрон ОАВ қўлига ўтган. Улар миллий ахборот билан одамлар онгига таъсир ўтказмоқда. Ғояларига эргаштирмоқда. Шу вазиятда маъсулиятни ҳис қилиб, электрон ОАВ сайтларнинг фаолиятини тартибга солиш, ривожлантириш зарур. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак? Номига сайт яратиб, қоғозда қарорнинг ижросини таъминлаш керакми ёки отни қамчилаб ахборот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш зарурми? Савол лўнда. Жавоб ҳам аниқ. Қилишимиз, ривожлантиришимиз кераклигини жуда яхши биламиз. Аммо негадур вақт масаласи, бефарволик балоси бунга изн бермаяпти. Бўлмаса, тармоқнинг Қорақалпоғистонда оммалашганига қанча, унинг таъсирчанлиги, аудиториясининг ошганига анча бўлган.

## 1.2 Қорақалпоғистонда интернет журналистиканинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги аҳамияти

ОАВнинг асосий вазифаси жамиятдаги мавжуд воқеа, ҳодисаларни ахборот шаклида ишлаб чиқиш, оммага узатиш ҳамда жамоатчилик фикрини уйғотишдан иборат. Шу нуқтаи назардан барча турдаги ОАВнинг мақсади, вазифаси бир хил. Жумладан, электрон кўринишдаги ОАВнинг ҳам. Илк анъанавий ОАВ веб-сайтларининг истеъмолчилари жуда камчиликни ташкил этган. Бунинг бир нечта сабаби ҳам мавжуд:

- минтақада тармоқнинг ҳали барча хонадонларга кириб бормаганлиги;
- одамлар электрон ОАВни анъанавий ОАВдек қабул қилмаётганлиги ҳамда доимий фойдаланишга мослашмагани;
- баъзи аудиториянинг электрон ОАВ сайтлари мавжудлигидан бехабарлиги;
- интернетдаги ОАВнинг анъанавий ОАВдан фарқ қилмаслиги;
- тармоқдан фойдаланишнинг пуллилиги...

Гуруч курмаксиз бўлмайди. Қорақалпоғистон шароитида интернет журналистиканинг жамоатчилик орасига кириб боришида мана шундай муаммолар бўлган. Ҳануз давом этмоқда. Негаки, бугунги кунда интернет барча хонадонларга кириб борса ҳам ундан ОАВ воситасида фойдаланаётганлар озчиликни ташкил этади. Асосан улар ахборот билан танишмоқчи бўлса хорижий янгиликлардан хабардор бўлиш учунгина ОАВ сайтларига мурожаат этади. Буни бир томондан уларда ахборотга заруриятнинг йўқлиги билан ҳам баҳолашимиз мумкин. Сабаби, бизнинг шароитимизда одамлар ахборотни анъанавий ОАВ орқали олишга кўпроқ ўрганган. Электрон журналистика эса ҳали тўла оммавийлашмаган. Оммавийлашувдаги муаммолар қаторига тармоқдаги сайтларга мурожаатдаги айрим камчилик ҳамда қийинчиликларга ҳам кўз йўмиб бўлмайди.

Жамоатчилик фикри шаклланиши учун ахборот умумий, ҳаққоний, қизиқарли, долзарб, теша-тегмаган бўлиши зарур. Ушбу кўринишдаги журналистик ижод кенг омма эътиборини ўзига тортади. Фикрлашга, шарҳлашга беиқтиёр мажбур қилади. Тушунча, қараш, билимларни бойитади. У ёки, бу нарса ҳақидаги ўйларини тубдан ўзгартиради. Хуллас, журналист ахбороти инсонни, жамиятни бошқаради, етаклайди. Аслида, жамоатчилик фикри оддийгина хабардан ҳам шаклланади. Негаки, ўша хабарда журналист нимадир, кимдур ҳақида маълумот беради. Жараённи байёнлайди. Воқеани ҳисобот кўринишида қисқа келтиради. Мақола, репортаж, журналистик текширув, интервью, суҳбат жанрлари эса аудиториянинг фикрини ўзгартириши, шакллантириши, ривожлантириши мумкин.

Ҳозирда Қорақалпоғистонда рўйхатдан ўтган 35 давлат ва хусусий газета, битта телеканал, иккита радиоканал мавжуд. Шундан атиги олтитасининг интернетда веб-сайти бор. Минтақада ҳали фақат интернетдагина фаолият кўрсатадиган ОАВ вужудга келганича йўқ. Шунга кўра интернет журналистикасидаги жамоатчилик фикрини

шакллантиришнинг қандай усул, кўриниш, йўналишлари мавжудлигини анъанавий ОАВнинг тармоқдаги веб сайтлари мисолида ўрганамиз.

1. “Еркин Қарақалпақстан” ва “Вести Каракалпакстана” газетасининг www.erkinkarakalpak.uz сайти:

2013 йил 23-мартдаги маълумот бўйича сайтнинг иштирокчилари 134 нафарни ташкил этади. Шундан 45 нафари доимий веб-манзил қатнашчилари ҳисобланади. 04.02.2013 йил соат 11:31 да жойлаштирилган муаллиф С.Шараповнинг “Дамиккеннет куныккан жаман” мақоласини ўн икки нафар одам ўқиган. Аммо ҳеч ким фикр билдирмаган. Мазкур мақолада Қўнғирот туманидаги темир йўл узелида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Клычев Юлдош Аминовичнинг қилмишлари ҳақида сўз кеткан. Журналист унинг бир гуруҳ шериклари билан тил бириктириб, пулларни қандай ўзлаштирганлиги бўйича маълумот берган. Тегишли ҳуқуқ ҳимоя органларидан жиноий иш бўйича интервьюлар олинган. Ушбу мақола жамоатчиликни огоҳликка чорлайди. Жиноятнинг охири яхшилик билан тугамаслигини тушунтиради. Жамиятдаги ҳуқуқ соҳасидаги муаммоларнинг бартараф этилаётганлиги тўғрисидаги ахборотни беради.

04.02.2013 йил, соат 10:52 да мухбир Оразбай Сатбоевнинг “Журналист заманагой болыуы керек” сарлавҳали танқидий мақоласи киритилган. Унда бугунги журналистларнинг маҳорати, тил, нутқ маданияти ҳамда мавзуни ёритиш масалаларидаги қатор камчиликлар очиқ-ойдин танқид остига олинган. Журналист ҳаётий мисоллар билан мақоласини бойитган. Аммо ундаги келтирилган мисоллардаги шахсларнинг исми ўзгартирилган ёки палон газетадаги палон журналист дея келтирилган. Мақола анча мунозарали. Одамни ўйлашга, фикрлашга чорлайди.

Мақола тўққиз нафар мижоз томонидан ўқилган. Уч нафари ўз фикрини қолдирган. Талаба Гавҳар Алламуродова мақолага ижобий баҳо берган. Шахсий фикрини ҳам билдирган:

...Баъзи журналистлар ёзишни билмайди. Мақолалари эса одамни зериктиради. Ўз услубига, йўналишига эга эмас...

Иккитаси ҳам худди шундай фикрларини қолдирган. Демак ушбу мақола нафақат аудиториянинг фикрини шакллантирган, балки уларни фикрлашга ҳам чорлаган. Эркин фикр, фуқаро журналистикаси масалаларининг шундай тармоқда мавжудлиги ОАВга қўйилган асосий демократия тушунчасининг амалдалигидан далолат беради.




**(3-расм)**

Бундан ташқари сайтдаги бошқа 04.02 2013 йилдаги муаллиф Перихан Жугинисованинг “Ўақтында есапласқан уттырмайди”, 05.12.2012 йилдаги муаллиф Руслан Аллашовнинг “Мектебимиз айнасы” мақолалари ҳам эътиборга лойиқ. “Ўақтында есапласқан уттырмайди” мақоласида Нукусдаги кўп қаватли бинолардаги сув муаммоси кўтарилади. Журналист муаммонинг сабаби, ечимини ўрганади. Бу бўйича мисоллар келтиради. Қизиғи шунда, ушбу мақола 34 нафар сайт харидорлари томонидан кўздан ўтказилган. Шундан ўн уч нафари ўз фикри билан иштирок этади. Аксарият фикрлар умумий кўринишга эга. Улар ўзларидаги сув масаласидаги муаммони келтиради. Масалан, шаҳардаги 22-кичик туманда яшовчи Менлимурод Атажанов ҳафтасига атиги икки мартагина кўп қаватли биноларга сув келиши, бошқа пайтлари узоқдаги ер ости сувидан фойдаланаётганлигини билдиради. Исмайл Бердишов бўлса талай сув муаммоси бўйича Нукус шаҳар ҳокимиятига мурожаат қилганлиги, аммо ҳануз ўзгаришдан хабар йўқлигини ёзади. Журналист фикр билдирувчиларга жавоб қайтаради. Бу бўйича шаҳар ҳокимияти ҳамда «Қорақалпоқ сувоқавага» мурожаат қилганлигини билдиради. Ушбу мақола сабабли жамиятдаги муаммолар

бартараф этилмоқда. Одамлар фаоллашмоқда. Муаммони биргаликда ҳал қилишнинг самарасини англамоқда. Бу ҳам бир жамотчилик фикрини шакллантириш саналади. Тўғри, сайтнинг веб мижозлари кўп эмас. Мақола истеъмолчилари ҳам озчиликни ташкил этади. Аммо бу вақтинчалик жараён. Негаки, агар мазкур сайт қизиқарли шундай мақолалари билан тез-тез чиқиш қилса, жамоатчиликни фикрлашга чорласа, унинг мухлислари кўпайиши аниқ. Бунинг учун электрон нашр доимий янгиланиб туриши, интерактив ўйинлар ташкил қилиниши ҳамда мақолалар ўткир бўлиши керак. Шундагина у ўз мақсадига эришади.

Мазкур сайт жамоатчилик фикрини шакллантиришда танқидий руҳдаги мақолалардан кенг фойдаланади. Жамиятдаги мавжуд муаммоларни ёритади. Бу бўйича журналистлар аудиторияга савол ташлайди. Мурожаат қилади.

2. **“Қарақалпақстан жаслары” газетасининг www.qq.jaslari.uz сайти:**

2013 йил 24-мартдаги маълумот бўйича сайт мижозлари етмиш саккизтани ташкил этади. Шундан ўттиз бештаси фаол истеъмолчи. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси эканлигини ҳисобга олсак, бу рақам кўп эмас. Негаки, ҳозирда Қорақалпоғистоннинг 64%ни ёшлар ташкил этади. Яна тармоқдан фойдаланувчиларнинг аксарият қисми ёшларнинг ҳиссасига тўғри келади. Сайт аудиториясининг камлиги унинг бир ишлаб, баъзида ишламай қолиши билан баҳолашимиз мумкин. Сабаби, айни пайтда ушбу сайт вақтинчалик фаолиятини тўхтатган. Аммо 2012 йилдаги электрон нашрнинг ишларида анча жонланиш бор. Масалан, 08.09.2012 йилда сайтга мухбир Жумагул Ембергенованинг “Қызлар сойлегенде” мақоласи жойлаштирилган. Унда журналист айрим қизларнинг гапириш маданиятидаги қусурларга тўхтаган. Ушбу камчиликларнинг сабаб, ечимларини келтирган. Мазкур мақола бешта одам томонидан ўқилган. Аммо ҳеч ким унга фикр билдирмаган. Буни тушунса бўлади. Негаки, кўтарилаётган масала олдин ҳам кўтарилган, одамлар учун яхши таниш. Шу сабабли унинг аудиторияси ҳам тор доирада. Мабода журналист ёшларбоп тил, усулда, таъсирчан мавзуни ёритганида эди, мавзу кўпчиликда фикр уйғотган, таъсирчанлиги юқори

бўлар эди. Шунингдек, 03.11.2012 йил мухбир Гулнара Турдышованинг “Ерди ер қылатуғында ҳаял, қара жер қылатуғында ҳаял” сарлавҳали мақоласи ўрин эгаллаган. Унда жамиятдаги ажралишларнинг сабабида аёлларнинг роли кўп бўлаётганлигини мисол, фактлар ёрдамида кўрсатади. Охирида, сарлавҳадаги мақола билан якунлайди. Ва “Сиз қандай фикрдасиз?” дея аудиторияга мурожаат қилади. Мазкур мақола сайтдаги бошқаларига нисбатан энг кўп ўқилган ва фикр билдирилгани. Сабаби, уни йигирма беш нафар одам ўқийди. Шундан ўн бештаси ўз фикрини билдиради. Масалан, Торғин Базарбаева жамиятдаги ажралишларда кўпроқ йигитларни айблайди. Буни ишсизлик, ичкиликбозлик, енгил табиатлик, маъсулиятсизлик билан изоҳлайди. Азамат Қурбанов бўлса журналистнинг фикрига юз фоиз қўшилишини эътироф этади. Қалбай Ўринбоев эса қарс икки қўлдан чиқишини келтиради. Фикрлар турлича. Бироқ ҳаммасида жон бор. Ҳақиқат мавжуд. Уни ўқиган одамда муаммони тушуниш, унга қарши курашиш имунитети шаклланади. Бу бўйича жамоатчилик фикри шаклланади. 28.11.2012 йил мухбир А.Турекееванинг “Турмыс ғалма-ғаллары” мақоласи сайтга жойлаштирилган. Мазкур мақолада қишлоқдан шаҳарга ўқишга келган қизнинг эгри йўлга тушиб кетиши ҳақида сўз боради. Воқеалар орқали байёнланади. Мазкур мақола беш нафар фойдаланувчи томонидан ўқилган. Шундан Г.Айтниязова унга фикр билдирган. У мақоладаги қаҳрамоннинг иродасизлик ва бўшлиги, гапга эрадиган ҳислатларини қоралайди. Бугуннинг ёшларидаги айрим салбий хусусиятларни ҳам мисол келтиради. Жамоатчилик фикрини уйғотишдаги ушбу журналистик асарларнинг аҳамияти жуда катта. Эндиликда сайт тармоқ журналистикаси талабларига жавоб берадиган ёшларбоп усул, сўз ва мавзу танлаши керак. Шунингдек, сайтдаги мақолалар ҳақида ижтимоий сайтларда тарғибот олиб бориши шарт.

**3. “Jetkinshek” газетасининг www.jetkinshek.uz сайти:**

2013 йил 14-апрелдаги маълумот бўйича сайтнинг доимий кузатувчилари қирқ саккизтани ташкил этади. Бу тушунарли. Негаки, мазкур газета болалар ва ёш ўсмирларники ҳисобланади. Ундаги ёритилаётган мақолалар ҳам айнан болаларга бағишланган. Мактаб ёшидаги болалар эса ҳали интернетдан фойдаланишни яхши билишмайди.

07.02.2013, 14:59да веб сайтга Женгисгул Ибайдуллаеванинг «A'lipbeden a'lemge» мақоласи жойлаштирилади. Муаллиф унда Шумонайдаги 1-сон мактабдаги Алифбе байрами ҳақидаги тадбирни байёнлайди. Ушбу мақола атиги саккизта қатордан иборат. Асосий гап бошида айтилган. Сўнгра у тушунтирилган. Бу журналистикадаги хабарни тўнкарилган эҳром шаклда ёзиш саналади. Ҳозирда ушбу усулда хабар, янгиликни аудиторияга узатишда тармоқда “тўнкарилган эҳром” шаклидан кенг фойдаланилади. Қорақалпоғистон интернет журналистикасида ҳам шу усулнинг қўлланилиши тармоқ журналистикасининг ривожланаётгани ҳамда интернет журналистикаси талабларига аста-секин жавоб бераётганлигини билдиради.

07.02.2013, 14:58. Муаллиф Дариха Уббиниязованинг «EKO-SA'WBET» сарлавҳали янгилиги:

Jaqi'nda paytaxti'mi'zdag'i' 1-sanli' No'kis Medicina kolledji ma'jilisler zali'nda 2-fevral—«Du'nya ju'zlik suwli'-batpaq wori'nlari'n qorg'aw ku'ni»ne arnalg'an «Ekolo-giyali'q mashqalalardi' sheshiw ha'm bul haqqi'ndag'i' ni'zamlardi'n' wori'nlani'wi'n ta'miyinlewde Wo'zbek-stan ekolo-giyali'q ha'reketi worni'» ata-masi'ndag'i' do'n'gelek stol sa'wbeti boli'p wo'tti. Wog'an Wo'zbekstan Respublikasi' Oliy Ma'jlisi Ni'zamshi'li'q palatasi' de-putatlari', Wo'zbekstan eko-logiyali'q ha'reketi ag'-zalari', Ekologiyali'q ha're-kettin' Qaraqalpaqstan aymaqli'q bo'limi ag'zalari', bir qatar taraw qa'nigeleri menen woqi'w wori'nlari'ni'n' mug'al-limleri, kolledj woqi'wshi'lari' ha'm G'alaba Xabar Qurallari' xi'zmetkerleri qatnasti'.

Янгилик қисқа. Бунда ҳам юқоридаги хабарга ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Яъни асосий гап янгиликнинг бошида айтилган. Сўнгра у бошқа ҳолат, жараёнлар билан тўлдирилган. Янгиликнинг талаби учун бу етарли. Мазкур

янгилик тўрт нафар сайт мижози томонидан ўқилган. Аммо унга ҳеч ким фикр билдирмаган. Буни тушунса бўлади. Сабаби, бу мунозарали ва муаммоли мақола эмас. Шунчаки, аудиторияга ахборот бераяпти халос. Бундан ташқари “Qustay uship kelgen bes qiz” мақолалари ҳам сайтга киритилган.

07.02.2013, 14:46. Муаллиф Айжамал Жолдасбаеванинг “Qaraqulaq” сарлавҳали мақоласига икки нафар мактаб ўқувчиси фикр билдирган. Тахтакўпирли Дилора Узоқберганова шундай мақола, ҳикояларни муаллифдан яна кутишини ёзган. Азиз Мақмараймоқов бўлса кучикка раҳми келганлигини, Достаннинг унга нисбатан меҳрига қойил қолганлигини билдиради. Биргина шу кичкина мақола ўқувчиларга катта таъсир қолдиради. Улар бундан ўзларига сабоқ олишади. Уй ҳайвонларига меҳрибон бўлиш кераклигини тушунади.

Болалар газетаси веб-сайтида кўпроқ тарбиявий аҳамиятга эга мақола, ҳикоялар уларни фикрлашга чорлайди. Негаки, улар жамиятдаги воқеаларни воқеалар орқали тез илғайди. Улар сиёсий, ижтимоий мавзуларда жиддий ёзилган мақолаларни қабул қилишда жуда қийналади.

“Jetkinshek” газетасининг асосий ойнасида асосан бир иккита тадбир, мусобақа ёки расмий мақолалар жойлаштирилади. Иккинчи, учинчи ойналарда бўлса ўқувчиларнинг ҳикоя, мақолалари ўрин эгаллайди. Веб газетанинг “Kelin’ doslasayiq” рубрикаси ёш хабарчилар ўртасидаги масофани яқинлаштиради. Уларнинг ўзаро мулоқатини таъминлайди. Бир бирининг ҳикоя, шеър, мақолаларига нисбатан фикр билдириш, таҳрир қилиш малакасини шакллантиради.

**4.“Тўрткўлнома” газетасининг www.turtkulnoma.uz сайти:**

Ҳозирда 2012 йил январ маълумоти бўйича сайтнинг ўн беш нафар харидори бор. Сайт оддий кўринишда. Дизайни унча эътиборни ўзига тортмайди. Ундаги мақолалар эса асосан қишлоқ хўжалиги, фан-техника янгиликларидан иборат. Веб-сайтдан таҳлилий мақолаларни топиш жуда қийин. Жамоатчилик фикрини ўйғотишда ҳам у унчалик аҳамият касб

этмаяпти. Шунчаки, номигагина фаолият кўрсатаяпти. Веб-манзилнинг 2011 йил 15-мартдаги сонида мухбир С. Дадахўжаевнинг “Баҳорги тайёргарлик” мақоласи жойлаштирилган. Унда журналист Тўрктўлдаги “Тўрткўл” фермер хўжалигидаги баҳорги ер ҳайдаш, ерларни суғориш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида ёзади. Мақсадли режалар келтирилади. Мазкур мақола тармоқ аудиторияси учун унчалик қизиқарли эмас. Негаки, айни пайтда интернет фойдаланувчилари асосан ёшларни ташкил этади. Катта ёшдагилар эса унчалик тармоқ тилини тушунавермайди.

2012 йил 11-январда сайтда мухбир М. Мансуровнинг “Асалари парвариши” мақоласи эълон қилинган. Унда тумандаги асалари билан шуғилланадиган ўттиз саккизта хонадондаги асалари парвариши, унинг муаммолари ҳақида ёзади. Ушбу мақола бошқаларига нисбатан қисман қизиқарли. У икки нафар сайт мижози томонидан ўқилган. Аммо унга фикр билдирилмаган. Бу ҳолатни қўйидагича изоҳлашимиз мумкин:

- мазкур сайт туман газетасиники бўлганлиги учун;

- туманларда интернетдан ОАВ сайтларининг кўп фойдаланмаслиги;

- ушбу сайтнинг ҳали тармоқ журналистикаси талабларига жавоб бермаслиги…

Қорақалпоғистонда туман газеталари ичида “Тўрткўлнома”нинг биринчилардан бўлиб ташкил этилиши эътиборга молик. Негаки, ҳануз бошқа туман газеталарининг тармоқда сайти мавжуд эмас. www.turtkulnoma.uz сайти жамоатчилик фикрини шакллантиришда озму-кўпми хизмат қилмоқда.

**5.“Нукус ФМ” радиоканалининг www.karstars.com сайти:**

Сайт Қорақалпоқ интернет журналистикасига интерактив журналистика кўринишларини олиб келган сайт ҳисобланади. Ҳозирда у аудиторияси бўйича ҳам минтақада биринчи ўринда туради. Унинг 145 нафар доимий мухлиси бор. Ҳар куни сайтга камида ўттиз, қиркта мижози ташриф буйиради. Улар интерактив жараёнларнинг иштирокчиси бўлади ёки унга жойлаштирилган қўшиқларни кўчириб олади. Видео-клипларни тамоша

қилади. Мазкур сайтда ёшлар ўртасидаги турли муаммолар кўтарилиб чиқилади. “Чат” бўлимида эса турли мавзуларда фикрлар баҳси ташкил этилади. Бу айни пайтда интернет журналистикасида жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги энг самарали усул ҳисобланади. Веб-сайтга доимий эшиттириш, қўшиқлар жойлаштириб борилади. Бу дастурларни тинглаш учун эса ҳар бир мижоз унинг рўйхатидан ўтиши керак бўлади. (3-расмга қаранг)




**(4-расм)**

Рўйхатдан ўткандан кейин унинг фаол аъзосига айланасиз ва ундан хоҳлаган пайтда фойдаланиш имкониятини қўлга киритасиз. Ушбу радионинг формати мусиқий-информацион бўлганлиги боис эшшитириш ҳамда дастурлар мусиқий-информациялик характерга эга. Гарчи у шундай форматга бўлса ҳам жамоатчилик фикрини шакллантиришда жонбозлик кўрсатмокда. Масалан, 13.04.2012 йил соат 18:00дан 20:00гача радиода У. Еримбетова муаллифлигидаги “Тунги паруаз” интерактив ўйини ташкил этилади. У “Нукус ФМ” радиоканали орқали узатилади. Шунингдек, ўша вақтда у сайтда ҳам жаранг сочади. Тармокдаги фойдаланувчилар ўйиннинг фаол иштирокчиси бўлади. Улар Қорақалпоқ эстрадасининг бугуни ҳақидаги фикрларини билдиради. Масалан, Арман Бектурдиев Бахтияр Жуматаевнинг “Мын қызга ашық болдым” қўшиғини танқид қилади. Жекуей тахаллусидаги йигит эса поп қўшиқларнинг танқидчиларига қарши чиқади. Бунда

журналист шунчаки жараённи бошқаради. Фикрларни йўналтиради. Аммо ўзи вазиятга баҳо бермайди. Жамоатчиликнинг фикрини ўрганади. Бу орқали уларнинг эстрада бўйича фикрларини шакллантиради.

Сайтнинг “Қарақалпақстан жаналықлары” бўлимида энг сўнги янгиликлар ўрин эгаллайди. Аммо ундаги аксарият янгиликлар санъат соҳасига боғлиқ. Буни ўзимизга радиоканалдаги ихтисослашувнинг белгилари билан ҳам баҳолашимиз мумкин.

Ҳозирда Қорақалпоғистон шароитида нафақат журналистик сайтлар балки журналистик блоглар ҳам жамоатчилик фикрини уйғотишда ўз ҳиссасини қўшмоқда. “Еркин Қарақалпақстан” газетаси мухбири Бухарбой Тилеўмуродовнинг www.kkreporter.uz блогида долзарб мавзуларга қурилган кўплаб мақолаларни учратишимиз мумкин. 11.08.2011 йил блогда муаллиф “Нақ ақша айланысы кўн тартибинде” мақоласини жойлаштирган. Унда Нукусдаги бир нечта банклардаги нақ пул масаласидаги муаммолар доирасида Нукус шаҳар солиқ инспекцияси раиси вазифасини вақтинчалик бажарувчи Д. Исмайлов билан суҳбатлашади. Журналист унга кескин саволлар беради. Камчиликлар бўйича фикр мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Мазкур мақолани ўн бештаси ўқийди. Шундан иккитаси унга фикр ёзади. Журналистдан яна шундай мазмундаги мақолаларни кутишини билдиради. Бу мақола орқали омма шу соҳанинг фоалияти билан танишади. Муаммоларга ўзларини ҳам дахлдор ҳисоблайди. Ҳукумат қарорларининг мазмун моҳиятини англайди. Ўша муаммо бўйича фикр шаклланади. Бундан ташқари блогда муаллифнинг “Музқаймақ”, “Газли суу” ва “Жаналықты умытпадынызба?” мақолалари ҳам ўрин эгаллаган. Мақолаларда юк бор. Айтиладиган, айтадиган, фикр уйғотадиган жиҳатлар мавжуд. Аудитория ҳам бефарво эмас. Улар жамоатчидик назоратини эндиликда ОАВ орқали ўрнатишмоқда.

# II БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Қорақалпоғистонда интернет журналистикасининг ривожланиши 2000 йилдан кейинги йилларга тўғри келади[14]. Негаки, ўша пайтда минтақада интернет бир мунча оммалашди. Анъанавий ОАВ тармоқ маҳсулотларидан кенг фойлана бошлади. Шунингдек, интернет журналистикасига жўн қараганлар унинг аҳамиятининг теран англади. Бундан ташқари, тармоқдаги мавжуд қорақалпоқча журналистик сайт операторлари тармоқ журналистикаси фаолиятини теранроқ тушунди. Натижада интернет ОАВда янгиликлар кузатилди. Масалан:

- веб-сайтларнинг кўриниши ўзгарди;
- аудитория билан мулоқатни ўрнатадиган махсус чат, форумлар ташкил этилди;
- фойдаланувчиларни қизиқтирадиган интерактив дастур, долзарб мақолалар кўпайди;
- ахборот етказишдан ташқари бошқа хизматларни тақдим эта бошлади;
- истеъмолчи ҳам сайтда иштирок этиш, ҳаммуаллифга айланиш имкониятини қўлга киритди;
- ахборот узатиш анча жадаллашди.

Интернет журналистикасида дизайн бу сайт ёки мақола ҳақидаги илк ахборот ҳисобланади. Фойдаланувчи сайтнинг кўринишига қараб баҳо беради, эргашади. Ўзига хулосалар чиқаради. Шунинг учун тармоқ журналистикасида дизайн мақола сарлавҳаси билан тенгдек қийматга эга. Сарлавҳа эса бу ярим мақола саналади.

Қорақалпоқ интернет журналистикасидаги ривожланишни ОАВ сайтларидаги янги шакл, дизайн мисолида ҳам кўрсак бўлади. Масалан, “Еркин Қарақалпақстан” ва “Вести Каракалпакстана” газеталарининг www.erkinkarakalpak.uz сайти бутунлай янги дизайнга эга бўлди. (5-расм)

[14] Р. Аллашов. Интернет ҳам журналистика// Еркин Қарақалпақстан. Нокис: Қарақалпақ. 2012. –Б. 2




**(5-расм)**

Ундаги бўлимларнинг жойлашиш тартиби ҳам ўзгарди. Мақолалар ҳам ҳар хил шрифтда жойлаштириладиган бўлди. Шундай ўзига хосликни яна “Нукус ФМ” радиосининг www.karstars.com сайти мисолида ҳам олишимиз мумкин. Мазкур сайтда турли ранглар уйғунлигидан фойдаланилган. Бундан ташқари “Форум” бўлими ташкил этилган. Унинг бош ойнасида эса турли қўшиқ, клип ва видеоларни кўриш, эшитиш, кўчириб олиш имконияти яратилган. Ранг-баранг инетрактив дастурлар жойлаштирилган. «Jetkinshek» газетасининг www.jetkinshek.uz сайтида эса янги болаларга бағишланган рубрикалар яратилган. Ахборот узатиш тизимида ҳам анча жонланиш бор. Сайт олдингига нисбатан тез-тез янгиланиб борилади. Янгиликлар ҳам қисқа байёнланади. Қизиқарли мақолалар жойлаштирилади. “Қарақалпақстан жаслары” газетасининг сайтида бўлса “Мини чат” бўлими мавжуд. Унда оператор ахборот истеъмолчиларининг фикри, таклифларини ўрганади. Бу тармоқ журналистикасининг ривожланишига сабаб бўлди.

Қорақалпоғистон шароитида интернет журналистикасининининг ривожланаётганлигини белгилайдиган яна битта нарса бу журналистик блогларнинг ташкил этилиши билан ҳам изоҳлашимиз мумкин. Ҳозирда ўнтага яқин шундай блоглар мавжуд. Улар ҳам ахборот етказишда журналистик сайтлар билан тенгдек ахборот майдонида курашмоқда. Шунингдек, айрим журналистик сайтлар ижтимоий сайтларда сайт тарғиботларини амалга оширмоқда. Масалан, “Нукус ФМ” радиоканалининг

www.karstars.com сайти модератори e-mail ёки www.facebook.com мижозларини сайтдаги янгиликлардан бохабар қилади. Бу усул аудиторияни ўзига жалб этади.

Ҳозирда анъанавий ОАВ интерактив дастурларни узатишда интернет хизматларидан ҳам фойдаланмоқда. Масалан, “Нукус ФМ” радиоканалида узатиладиган кечки эфир, смс, қўнғироқлар сайтнинг «Чат» бўлими орқали ҳам қабул қилинади ва эфирда ўқиб эшиттирилади. Бу ҳам минтақада интернет журналистиканинг аста-секин ривожланаётганлигини белгилайди.

Интернет барча турдаги ОАВ воситаларини ўзида қамраган. Айни пайтда фотожурналистика ҳам унинг таркибий қисмига айланган. орақалпоқча электрон нашрларда мақолага мос расмлар ҳам қўйилади. Бу журналистик асарнинг таъсирчанлигини оширади. Расмсиз қуруқ, узундон-узоқ мақола эса оммани тезда зериктиради. “Jetkinshek” газетасининг www.jetkinshek.uz сайтида ҳар бир мақола ўз шериги, яъни расмига эга. Ҳаттоки, айрим мақолаларда икки-учтагача расм жойлаштирилган. (6-расм) Буни нотўғри деб бўлмайди. Сабаби, тармоқ журналистикаси кўп гапни кўтармайди. Агарда мақола қисқа, эътиборни тортадиган гаплардан қурилган, расмли, шрифти эътиборни тортадигандек бўлса, у аудиторияни ўзидан бездирмайди.




**(6-расм)**

“Нукус ФМ” радиоканалининг сайти ҳам бундан мустасно эмас. Эшиттириш бошловчиларининг расмларигача унда жой эгаллаган. Шунингдек, фаол сайт фойдаланувчиларининг расми ҳам унда жойланади. Бу ҳолат ҳам минтақадаги тармоқ журналистикасидаги янгиланишларидан бири ҳисобланади. Аммо фотожурналистика жанрлари ичида энг кўп ёзиладигани бу фоторепортаж саналади. У ахборотни тўғридан-тўғри етказиб беради. Ҳозирда янгиликни иссиғида етказиб беришда интернет журналистикада фотожурналистика биринчи пағонага чиқмоқда. Шундай экан, фотожурналистиканинг тармоқ журналистикасидаги аҳамияти катта. Ҳозирда Қорақалпоғистон интернет журналистикасида расмлардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Аммо бу соҳада ҳали камчиликлар ҳам мавжуд.

## 2.1 Қорақалпоқча электрон нашрлар фаолияти: “Еркин Қарақалпақстан”, “Қарақалпақстан жаслары”, “Jetkinshek”, “Тўрткўлнома” газеталари мисолида

Энг биринчи ахборот ташувчи восита газета дунёга келди. Сўнгра хабарнинг жонли, таъсирчанлигини оширувчи радио ва телевидение яратилди. Эндиликда бўлса ахборот майдонида интернет бонг урмоқда. У газета, телерадиоканал имкониятларини ўзида жамлади. Фуқаро журналистикасининг ривожланишига йўл очди. Шундай вазиятда бу майдонда босма нашр, телерадиоканал ҳамда интернет ўртасидаги рақобат кучайди. Улар яшаб қолишга интила бошлашди. Ва шундай шароитида газета, телерадиоканаллар яшашнинг янги усулини топишди. Яъни газета ўзининг электрон нашрини, телерадиоканаллар бўлса эшшитириш ва кўрсатувларини интернетга жойлади. Ўз сайтларига эга бўлди. Ҳозирда Ўзбекистонда 1200дан ошиқ ОАВ мавжуд. Шундан 700га яқини газеталар қиссасига тўғри келади[15]. Аммо бу босма нашрларнинг ҳаммасининг ҳам электрон сайти йўқ. Электрон сайтлари мавжуд айримлари бўлса интернет

[15] Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизациялаш ва фуқаролик жамиятини қуриш тўғрисидаги минг йиллик концепция// Turkiston. Toshkent: Шарқ, 2010 йил 12 ноябр

журналистикаси талабларига тўла жавоб бермайди. Негаки, мақолалар ўз вақтида жойлаштирилмайди. Вақтида киритилмаган ахборот бўлса ўз аҳамиятини тобора ёқотади. Масалан, www.turkiston.uz сайти “Turkiston” газетасининг электрон шакли. Мазкур газета ҳафтасига икки марта чиқади. Аммо сайтдаги мақолаларни кузатганимизда, унинг янгиланмаганлигини кўришимиз мумкин. Бундай ҳолатни www.hurriyot.uz, www.jamiyat.uz сайтларида ҳам учратамиз. Менимча, босма нашрлар интернет журналистиканинг аҳамияти, афзалликларини ҳануз тўла англамаяпти. Англаса ҳам газетанинг босма нусхаси билангина чегараланиб қолмоқда.

Давлатимиз интернет ахборот майдонига ёриб киргандаёқ, унинг моҳияти ва афзалликларини тушунган. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Интернет ва ахборот воситалари тўғрисида”ги карори қабул қилинди[16]. Бунда ушбу воситаларнинг аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди. Бу ҳамма қатори, ОАВ ҳам тегишли эди. Ундан хулоса чиқарган соҳа вакиллари дарров ўз сайтларини яратди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича эса юртимизда ОАВ қўллав-қувватлаш миллий фонди ташкил этилди. Ушбу ташкилот интернет журналистикасининг ривожланишига ўз қиссасини қўшиб келмоқда.

Савол туғилади. Хўш, Қорақалпоғистон шароитида интернет ва электрон нашрларнинг аҳамияти қандай? Соҳадаги муаммолар нималардан иборат?

Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикасида давлат Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинган газеталарнинг умумий сони 2012 йилнинг 1-январ ҳолатига кўра 35тани ташкил этади[17]. Улардан бештаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши ва Республика Вазирлар Маҳкамаси газетаси ҳисобланади. Шундан атиги бештасининг электрон нашри бор. Улар “Еркин Қарақалпақстан” газетасининг www.erkinkk.kr.uz,

---

[16] Рашидова Д.К. Интернет в Узбекистане: проблемы и возможности. –Тошкент, 2003.-Б. 48

[17] Машарипова Т. Глобалласыу шараятында Қарақалпақ журналистикаси// Хабаршы. – Нокис: Қарақалпақ университети, 2013. № 2. –Б. 15.

“Қарақалпақстан жаслары”нинг www.qqjaslari.uz ва “Jetkinshek”нинг www.jetkinshek.uz, “Тўрткулнома” газетасининг www.turtkulnoma.uz сайти ҳисобланади. Бошқа газеталарнинг ҳали электрон нашри яратилмаган. Бу газеталар ижтимоий-сиёсий йўналишдаги нашрлар саналади. Масалан, “Еркин Қарақалпақстан” газетаси кўпроқ мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид мақолаларни ёритади. “Қарақалпақстан жаслары” бўлса ёшлар сиёсати ва уларнинг изланиш, ютуқ ва муаммоларини кўтаради. “Jetkinshek” мактаб болалари учун йўналтирилган.




**(7-расм)**

Ушбу газеталарда “Интернет материаллари асосида тайёрланган” дея чиқадиган махсус саҳифа бор. Демак бундан кўринадики, босма нашрлар унинг имкониятларидан унумли фойдаланмоқда. Ҳозирда соҳадаги кўпчилик журналистлар интернетни энг яхши ресурс марказига айлантирмоқда. Қорақалпоғистонда илк бора “Еркин Қарақалпақсан” ҳамда “Вести Каракалпакстана” газеталари ўз сайтини яратди. – www.erkinkk.kr.uz .

Ушбу сайт бешта бўлимдан иборат: сиёсат, иқтисод, маданият, соғлиқни сақлаш, экология ва спорт. Бўлимлар сайтнинг чап бурчагига жойлаштирилган. Ҳар биттасида шу соҳага оид янгиликлар ўрин эгаллаган. Масалан, сайтнинг 2010 йил 30-январдаги сонида “XXI асир жаслары” мақоласи чиққан. У қорақалпоқ, рус тилида жойлаштирилган. Мақоланинг электрон нашри билан босма нашрини таққослаганда, ушбу мақоладаги ўзгаришларнинг ҳам гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, электрон нусхада мақола ҳажми камайган. Кириш қисми мақоланинг асосий қисмидан бошланган. Бундан кўринадики, секин-аста ушбу газета ҳам электрон нашр

талабларига эргашмоқда. Бундан ташқари, сайтда “Салық хызмети”, “Жасырын цехлар анықланды” мақолалари эълон қилинган. “Пикирлер” бўлимида ушбу мақолаларга мулоҳазалар билдирилган. Қизиғи шунда, “Жасырын цехлар анықланды” мақоласига кўп фикр билдирилган.

Сайт қорақалпоқ ва рус тилида. Яъни, газетанинг қорақалпоқча ва русча (Вести Каракалпакстана) нусхаси унда жойлаштирилади. Фаолиятининг даслабки пайтлари унда кўп орфографик хатолар учрайди. Масалан, айрим мақолаларда қ ҳарфи к, ҳ бўлса х ҳарфлари билан ёзилган. 21.06.2009 йилдаги сайтдаги “Тайымбетте ғаўашада болдык” мақоласида болдык дея киритилган. Бу журналистикадаги энг кичкина, аммо катта хато ҳисобланади. Шундай камчиликларни яна кўплаб топишимиз мумкин. Мазкур сайтнинг чап бурчагида бошқа хизматлар ўрин эгаллаган. Ҳаттоки, ундан мухбирларнинг махсус блогларини кўриш имконияти ҳам мавжуд. “Өзимиз туўралы” бўлимида газета, мухбирлар фоалияти билан танишиш мумкин. “Бизиң ең актив хабаршыларымыз” бўлимида сайтнинг фаол иштирокчилари ҳақида маълумот берилади. Уларнинг райтинги эълон қилинади. Энг кўп сайтга мурожаат қилган фойдаланувчи эса бепул бир йиллик газета обунасини қўлга киритади. Бундан ташқари, сайтдан Қорақалпоғистондаги меҳмонхона ва бошқа эътиборга молик ерлар ҳақида ҳам ахборот олиш имконияти бор. Биринчи устуннинг пастида “Мини чат” ойначаси жойлашган. Унда сайт мижозларининг ўзаро ёзишмалари сақланади. Шунингдек, унда истеъмолчилар ўзларини қизиқтирган саволларини ҳам қолдириши мумкин бўлади. Шу ўринда бу иккита “Еркин Қарақалпақстан” ва “Вести Каракалпакстана” газеталарининг тарихига назар ташласак.

***"Вести Каракалпакстана"*** газетаси 1919 йилнинг июн ойида “Известия” атамасида чиққан. Унинг илк сони Тўрткулдаги Киров номидаги типографида нашр этилган. Газетанинг ҳар битта сонидан биттаси Москвага жўнатилиб турилган. Сўнгра 1921 йил Амударё области бажариш комитети томонидан у “Красный Амударё” бўлиб ўзгартилади. 1931 йил у “Советская Каракалпакия” номида нашр этилади. Сўнгра Қорақалпоғистон Республикаси

Жўқорғи Кенгашининг қарори билан 1991 йил газета “Вести Каракалпакстана” дея ўзгартирилади[18]. Ҳозирда мазкур газета ҳам қорақалпоқ, ҳам рус тилларида нашр қилинмоқда. Газетанинг веб-сайти 2013 йил февральда фойдаланувчилар ўртасида сўровнома ўтказади.




**(8-расм)**

Сўровнома натижасида 42 нафар фойдаланувчи унга ижобий баҳо беради. Олти нафари эса уни танқидий баҳолайди. Ушбу сўровнома сайтда доимий ўтказилиши анъанага айланган. Бу ҳам журналистикада сайт ҳақидаги жамоатчилик фикрини ўрганишдаги янгича усул ҳисобланади.

Сайтда одатда газетадаги мақола қандай бўлса, худди шундай киритилади. У ўзгартирилмайди. Айрим вақти расмлар кам берилади. Аммо баъзида анъанавий нашрида эълон қилинмаган айрим танқидий мақолаларни сайтдан учратамиз. Масалан, журналист О.Сатбоевнинг “Журналист заманагой болыуы керек” мақоласи “Арамыздағы адамлар” рубрикаси остида унда жой эгаллаган. Аммо ушбу мақола нашрда эълон қилинмаган. Бу ҳолат интернет журналистикасининг соҳадаги эркинлик тушунчасининг амалда қисман руёбга чиқараётганлигидан далолат беради.

---

[18] Уснатдинов Ш. Журналиститкаға кирисиу.–Нокис: Қарақалпақстан, 2009.-Б. 14.




Тармоқ журналистикасида мақолада дастлаб лид берилади. Лид-бу мақоланинг қисқача мазмуни. Унда шу мавзуга қаратилган йўналтириш бўлади. Масалан, 2009 йил 24-июндаги “Жасырын цехлар анықланды” мақоласи лид билан бошланган.

“Нонинг ҳалол бўлса, ҳамма кўрсатиб егин” дейди халқимиз. Нукус шаҳар давлат солик инспекцияси ходимларидан келган маълумотнома ва ўтказилган рейд текширишлар натижасида тадбиркорларнинг нонининг “ҳалол”лигига гумонланасан, киши. У Нукусдаги “Қизкеткен” элатидаги Закир Қодировга тегишли омборхонада қонунсиз ҳаракатларни амалга ошираётганлиги маълум бўлди...”.

Мазкур мақоладаги лид олтита қатордан иборат. Унда мақола ҳақида кичкина ахборот бераяпти. Баъзи фойдаланувчилар мақолани ўқишда шу билан ҳам кифояланади. Мабода журналистик асарнинг лиди бўлмаса, у ўқувчиларни ўзидан узоқлаштириши мумкин. Шунинг учун сайт энди тармоқ журналистикаси талабларига бўйсиниши ҳам талаб этилади. Бўлмаса, у шунчаки интернетда номи билангина яшайверади.

Электрон нашрлардан яна бири-бу “Қарақалпақстан жаслары” газетаси. У узоқ йиллик тарихга эга. Газета 1931 йил 13-февралдан “Қарақалпақ комсомоллары” номи билан чиқа бошлаган. Шу йил газета муштарийларнинг фикри билан у “Ёш Ленинчи” дея ўзгартирилган. Сўнгра иккинчи жаҳон уруши олдидан маълум сабабларга боғлиқ фаолияти тўхтатилган. 1959 йил яна нашрдан чиқа бошлаган. Дастлаб унга И. Фазилов муҳаррирлик қилади.

Кейинчалик газетани Рўстам Давлетмуродов, К. Реймов, Ш. Пахратдинова, Д.Ўббиниязова, Ж. Тажетдинов ҳамда Д. Бекбаулиев унга раҳбарлик қилди. Ҳозирда газета И. Қосназаров муҳаррирлигида нашрдан чиқмоқда[19].

Сайт турли рангдан иборат. У ҳам "Еркин Қарақалпақстан" газетаси веб нашридек олтита бўлимдан ташкил топган. Ҳар бир бўлимда шу соҳага оид мақолалар берилади. Сайтдаги журналистика асарлар газетадаги нусхасининг худди ўзгинаси. Унда мақолалардан бошқа хизматлар киритилмаган. Фақат сайтнинг ўнг бурчагида тақвим ва соат кўрсатилган. Унинг аудиторияси ҳам кўп эмас. У бир ишлайди, баъзида ишламай қолади. Бу ҳам сайтнинг оммалашувига ўз таъсирини кўрсатади.

Электрон газеталарнинг ҳам камчиликлари бор. Унга мақолалар ўз вақтида киритилмайди. Расмлар кам. Баъзида сайт ишламай қолади. Бу бўлса аудиториянинг унга нисбатан ишончсизлигини оширади. Келгусида сайт ахборот билан қўша расмларни ҳам жойлаштирса, кўпчиликнинг эътиборини ўзига қаратади. Биз Қорақалпоғистон интернет журналистикасида бу усул ҳануз ривожланмаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

«Jetkinshek» газетасининг электрон сайти бўлса сал бошқача. Унинг олдинги сайтга нисбатан ютуқлари мавжуд. Масалан, сайтнинг чап бурчагида рукнлар берилган. Ўнг томонда эса тақвим, рекламалар жой эгаллаган. Турли хил ранглар сайтнинг кўринишини ўзгартирган. Бу аудиториянинг эътиборини ўзига жалб этади. Газетанинг янги электрон нашрида асосий фонда "Саламат аулад", "Нокис жумыслары жанланыуда », "Хош хабар! "Jetkinshek"тин жане бир кызы женимпаз" сарлавҳали мақолалар ўрин олган. Мақолага мос расмлар қўйилган. Аммо ушбу сайтдаги мақола сарлавҳалари одамни ўзига тортмайди. Мақола газетада қандай чоп этилган бўлса, шундайлигича киритилган.

---

[19] Уснатдинов Ш. Журналиститкаға кирисиу.–Нокис: Қарақалпақстан, 2009.-Б. 21.




**(9-расм)**

Уни кўрганлар, ўқиб чиққанлар ва фикрларини қолдирганлар камчиликни ташкил қилади.

“Қарақалпақстан жаслары” газетаси сайтида ҳам ушбу камчиликлар мавжуд. Сайт гоҳида ишлайди, баъзида ишламайди. Мақолалар янгиланмайди. Эскилигича тураверади. Сайтнинг дизайни ҳам кўнгилдагидек эмас. Материалларнинг сарлавҳа, ёзилиш услуби аудиторияни ўзидан узоқлаштиради. Ваҳоланки, электрон нашр мақолалари босма нашридан фарқ қилиши керак. Интернет газеталарига оз сўз, қизиқарли маълумот ва таҳлил бирламчи ҳисобланади. www.bbc.co.uz сайти ушбу талабларга қисман жавоб беради. Шунинг учун ҳам ундан фойдаланувчилар кўпчиликни ташкил этади.

Ҳозирда маълумотларни таркатиш ва ўз ахборотини ўзи ишлаб чиқариш яхши ривожланмокда. Буни ташкилот ва муассасалар томмонидан яратилаётган сайтлар мисолида ҳам олишимиз мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, www.Nukus.Net сайтида Қорақалпоқларнинг маданияти, дастурлари, республика янгиликлари ўрин эгаллаган. www.muzstars.com сайтида эса Қорақалпоқ эстрада соҳаси янгиликлари узатилади. www.museum-s.info сайтида эса музей ҳақида ахборот берилади. Фойдаланувчи ўзини қизиқтираётган маълумотни электрон газеталардан эмас, ушбу махсус сайтлардан олади. Бу ахборотни ҳар битта ташкилотнинг ўзи ишлаб чиқаришга бўлган талабни яна оширади.

Яқинда журналист Б. Тлеўмуродов аудиториянинг электрон нашрларга бўлган фикрларини ўрганиб чиқди. Журналист шундай ёзади:

Биз интернет ҳақида аудиторияга маълумот бердик. Бу бўйича электрон почтамизга фикр-мулоҳазалар келди. Аммо уларни қониқарли деб айта олмаймиз. Негаки, биттаси “...одамларни электрон нашрларди ўқийди деб ўйласангиз адашасиз...” дея ёзиб жўнатибди. Бу фикр. Бироқ унда ҳам жон бор. Сабаби, у ҳам аудиториянинг бир қисми...

Бундан шундай хулосага келамиз. Электрон газета сайтлари эътиборга муҳтож. Мавжуд сайтлар эса шунчаки номигагина фаолият кўрсатмоқда. Бундан бефарволикни йиғиштирадиган фурсат келди, назаримизда. Негаки, ахборотнинг электрон шакли ривожланмоқда. Одамларда газетани синчиклаб ўқиб ўтиришга вақт йўқ. Улар янгиликни тез олишга интилишмоқда. Бу эса интернетга эҳтиёжни оширмоқда. Босма нашрлар ахборот майдонида яшаб қолишнинг услубини топди. Аммо уни яхши ишлатолмаяпти.

“Тўрткулнома” газетаси ҳам мақтагулик эмас. У кўпроқ қишлоқ хўжалигини ёритувчи веб-нашрга ўхшаб қолган. Мақолалар ҳам газетадан кўчирма. Унда жамоатчилик билан алоқани ўрнатадиган ҳеч қандай боғланиш, интерактивликни кўрмаймиз.

Ҳозирда қорақалпоқ тилидаги блогларнинг сони ўнтага яқин. Аммо шундан атиги биттасигина журналистика соҳасига тегишли. Бу блог “Еркин Қарақалпақстан” газетаси мухбири Бухарбой Тилеўмуродовнинг www.kkreporter.uz сайти. Унда журналистнинг газетада чиққан ва айрим чиқмаган мақолалари жойлаштирилади. У интернетда 2010 йилдан ўз фаолиятини бошлаган.




**(10-расм)**

Мазкур блог бешта бўлимдан иборат. Яъни: бет ашар, Жаналықлар, Журналистик изертлеўлер, Мақалалар, Сайт ҳаққында.

“Бет ашар” бўлимида янги саҳифалардаги янгиликлар рекламаси берилади. Масалан, сайтга нималар киритилганлиги ҳақида қисқача ахборот узатилади. Шунингдек, асосий кун янгилиги киритилади. 2011 йил 11-сентабрда ушбу бўлимда мустақилликнинг 20 йиллиги олдидан “Шоманайдын жанарған жамалы” мақоласи берилган. Ойнанинг ўнг бурчагида эса Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асаридан цитата жойлаштирилган.

“Жаналықлар” бўлимида эса кун янгилиги, спорт, хориж хабарлари ўрин эгаллаган. Журналист ундаги айрим янгиликларнинг олинган манзилини “Еркин Қарақалпақстан” дея ёзиб қўяди.

Блогдаги энг қизиқарли бўлим бу “Журналистик изертлеўлер” ҳисобланади. Негаки, унда журналист текшируви асосида ёзилган муаммоли мақолалар ўрин олган. Масалан қўйидаги мақолани олайлик.

**«Қатынлар не деп атыр?»…**

**Екшемби, 14 Август 2011 01:24**

Өткен сапары Нөкис қаласы ҳәкимиятында жүз берген қолайсыз ҳәдийселер туўралы тарқаған мыш-мышлардың «қулағы бар» гәп болып шықты. Соңғы хабарларға қарағанда, ҳақыйқатында да, Нөкис қаласы ҳәкими ҳәм оның жәрдемшиси  пархорлықта айыпланып ҳуқық қорғаў уйымларының шөлкемлескенлик пенен алып барған әмелий жумыслары нәтийжесинде иркиўге алыныпты. Хабарыңыз бар, биз буннан бурынырақта Нөкис қаласы ҳәкими С.Алланазаровтың Президент пәрманлары менен ҳүкимет қарарлары талапларын орынлаўды үзилиске түсирип,  буннан «Нөкис дийхан базары» акционерлик жәмийети ағзалары менен сол жерде саўда-сатық пенен шуғылланып жүрген исбилерменлер тәшўийшленип атырғаны жөнинде хабар тарқатқан едик. Жасыратуғыны жоқ, буны ҳәкимияттағы тийисли адамлар «қатынлар не деп атыр» деген анекдоттағыға уқсап қулағына илмеди-аў деймен шамасы. Болмаса дүнья жүзилик интернет тармағында тарқатылған хабарлардан кейин, телпекти бастан алып қойып, «бунның кейни қай жерге апарып соғар екен бала» деп бир ойлап көрмеспе, сирә. Исбилерменлердиң тәшўийшлениўинде де жан бар көринеди. Меншик дүканлары бузылып, шыққан шығынлары қапланбағаннан соң олар түрли жоқары турған уйымларға хат жазып, изленип жүр еди. Оның үстине, сол меншигинен айырылған адам өзиниң дүканын қайта қурыў ушын бир нешше миллион сумға акция алыўы керек болатуғын қусайды. Бул гәптиң қаншалық ҳақыйқатқа жақын я алыс екенлигин билмедик-тә, бирақ солай исленген жағдайда оннан акционерлер тийисли тәртипте хабардар етилип барылыўы зәрүр…

Нызамлардан хабары бар адамлар акционерлик жәмийетлерде қосымша акция шығарыў ҳәм оған жазылыўды шөлкемлестириўдиң тәртип қағыйдасы бар екенин жақсы биледи. Егер жоқарыда аты аталған базарда акциялар сол қағыйдалар тийкарында шығарылып, жазылыўшылардан түскен түсим банк кассаларына кирис етилип, қалған жумысларда нызамлы тәртипте алып барылып атырған болса оған ҳеш кимниң қарсылығы жоқ. Егер олай болмай шықса ше?..

– Мына дүканлардың барлығын бирме бир тексерип шығыў керек. Кимдики, ол қалай алған? Дүкан ийесиниң өзи сол жерде саўда ислей ме, я болмаса кимгедур ижараға берип қойып па?-деп өз-ара сөйлесип барытыр еки келиншек. Олар бири-бирине сөз берер емес. Гәпиниң рәмәўзине қарап оларды тап усы базарда жақында ревизия өткерген шығар деп ойлап қаласаң.
– Дүканларды гилең әмелдарлар бөлисип алып, биреўлердиң атына өткерип, ижараға берип отыр деседи, соны да тексериў керек. Өзлери ийелеп, кейин сатып атыр дегенде гәп бар еди. Шамасы олда қалпал гәп емес қусайды-аў. Тийисли адамлар соны тексерсин,- деп сәўбетлесин мақуллады екинши келиншек.
– Солай деўин десекте, қам сүт емген бенде асыға беретуғын қусаймыз ғо. Ҳүкиметке рахмет,  жөни менен, ирети келгенде нызамға сәйкеслестирип бежерди бежеретуғынын. Енди бир жағына шығар, қалайда. Берекет тапқырлар әп-әнедей етип услай қойыпты…

Тап усы күнде, Нөкисте бундай гәплерди еки адамның бириниң аўзынан еситиўге болады.  Әлбетте, оларға итибар беребериўге де болмайды. Лейкин, есапласпаў да қәте…
…Ҳуқық қорғаў уйымларының алып барған әмелий жумыслары нәтийжели жуўмақланыпты. Сол ушын биз оларды қутлықлаймыз ҳәм алып барып атырған машақатлы жумысларында табыслар тилеймиз. Қолға алынғанлардың айыплы я айыпсыз екенлигине болса нызамлы тәртипте суд баҳа береди. Ол енди басқа гәп…

Мақола анча танқидий. Журналист муаммони етказишда одамларнинг гаплари ва йўлдаги иккита келинчакнинг суҳбатидан фойдаланади. Сўнгра унга ўз фикрини билдиради. Журналист шамол бўлмаса дарахт қимирламайди табири билан муаммони ўртага ташлайди. Унинг ечимларини кўрсатади. Ушбу мақола анча қизиқарли. Аудиторияни ўзига жалб этади. Қуйидаги мақола ҳам анча мунозарали.

**Нөкисте ҳәкимиятта кимдур қолға түсипти…**
**Шемби, 13 Август 2011 07:44**

Соңғы хабарларға қарағанда Нөкис қаласы ҳәкимиятында ислейтуғын хызметкерлердиң бири пара алып атырып қолға түскенбиш…

Бул мағлыўматты тексерип көриў ушын биз ҳәкимиятқа телефон арқалы қоңыраў етип, бир неше лаўазымлы қанигелерден сорастырып көрдик. Олар бул мыш-мыш гәпти тастыйықламады, бирақ бийкарлағанда жоқ. Соңғы ўақытлары республикада ҳуқық қорғаў уйымлары хызметкерлери коррупция, парахорлыққа қарсы гүресиў бойынша нәтийжели жумыслар алып бармақта. Олардың елимизде нызам үстинлигин тәминлеў бойынша алып барып атырған унамлы ислерин тилге тийек етсек арзыйды…

Мазкур мақола журналистнинг шахсий изланишлари саналади. Сарлавҳа эътиборни тортадигандек. Лид ҳам қисқа ва аниқ. Журналист ушбу мақоласида газета ва интернет журналистикасидаги мақола ёзишга қўйиладиган талабларни уйғунлаштира олган.

Журналист Б. Тилеўмуродов блог орқали жамоатчилик таклиф ва аризаларини қабул қилишни ҳам анъанага айлантирган. Масалан, унга 2012 йил битта опадан хат келади. Уни журналист блогга жойлаштиради.

« Президентимиз атына жазылған бизиң Ашық хатымызды жәриялаўға жәрдем бериң» деп маған Нөкисли бир исбилермен ҳаял келди …

Сәршемби, 08 Декабрь 2010 17:09

Мен бул апайды бурыннан таныйман. Өзи қартайған болыўына қарамай исбилерменлик пенен шуғылланады. Буннан бир неше жыл бурын өзим ислейтуғын «Еркин Қарақалпақстан» газетасына шағым арза жазып келгенинде танысқан едим. Сонда ол өзлериниң көплеген жоқары турған уйымларға арза жазып, олардың ҳеш биринен ужыбатлы жуўап ала алмай атырғаны туўралы арз еткен еди. Мен сол сапары олардың арзасы бойынша журналистлик изертлеў алып бардым. Мәлим болыўынша, сол ўақытта олар саўда ислеп турған «Нөкис дийхан базары» акционерлик жәмийети базарға реконструкция жумысларын алып барып атыр екен. Сол ушын акционерлик жәмийетиндегилер түсинбеўшиликти тез сапластырып, акционер апайға саўда ислеў ушын дүкан ажыратып берди. Ол сол саўда шақапшасын ижараға

алып бир жарым жылдай ўақыт саўда ислеген. Ижара ҳақысын ўақтында төлеп келген. Бирақ, бир күнлери билсе өзине ижараға берилген мүлктиң кимниңдур меншиги екени мәлим болып қалған. Бул жағдайдан тәшўишленип ол және редакциямызға арза жазып келди. Мен бул жағдайды да анықластырыўға ҳәрекет еттим. Бирақ исбилермен апай көп өтпей «ким жаман болса Қудаға салдым…» деп, сол дүканды натариус арқалы сатып алғанын айтып, арзасын алып кеткен еди. Ал енди болса сол меншик дүканын бузбақшы қусайды. «Мен олардың реконструкция ислеўине қарсы емеспен. Мейли ислесин. Бирақ мениң меншигимди бузбақшы болса орнын қаплап берсин» дейди ол күйип писип.

-Акционерлик жәмийеттиң басқарма баслығына хабарластың ба?-деп сорадым мен оннан.

-Хабарластым. Бирақ ол маған «қолыңнан келгенин қыл» деп аўыр гәплер айтты. Ҳәтте, бир сапары қала ҳәкиминиң көзинше кеўлиме келетуғын сөзлерди айтып, ҳазар берди,- деп қамсықты ол.

-Бүгин дем алыс күни еди…

-Ол жағын жақсы түсинип турман, балам. Бирақ маған қыстаўлы түрде жәрдем бермесең болмайтуғын түри бар. Буннан бир неше күн бурын ҳәкимниң атына арза жазған едим. Жуўап бермеди. Ҳәкимниң өзине ушырасып сорасам «сениң арзаңды оқып отыратуғын ўақтым жоқ» деп кейип таслады.

Кеше түнде Президентимиздиң сөзин тыңлап отырып толқынланып кеттим. Илайым, Президентимиз мың жасасын, бизлердиң бахтымызға, мына халқының бахтына аман болсын! Кеўлимиздеги гәпти айтты. Биз исбилерменлер бала шаға бағайық, қара қазанды қайнатайық деп ҳәрекет етип атырмыз. Оның үстине өзимиздиң ҳәрекетимиз бенен ҳүкиметке де пайда келтирмектемиз. Ақыры, салық төлеп отырмыз, банкке нақ пул саламыз…

-Мейли апа, олай болса ҳәрекет етип көрейин. Мен де брҳәма Президентимиз алып барып атырған әдил ҳәм дурыс экономикалық сиясат

тәрептары болып келгенмен. Буннан кейинде сол принципимде қаламан. Бирақ, бул мениң жеке (персональный) веб-сайтым. Оған кимниңдур реакция беририне кепиллик бере алмайман, апа.

-Сиз жәриялаўға жәрдем бериң. Қалған жағын көре берермиз. Ақыры булар кеўлине не келсе соны ислеп жүре бере ме? Бурында ижарада турып ислеп турған жеримизди бузып, басқаларға сатып жиберди. Көзбоямашылық етип, акция шығарамыз деп миллионлап нақ пулымызды жыйнап алды. Мине, инанбасаңыз көриң, квитанция берип қойыпты. Және адамлардан 10 миллион сумлап акция деп жыйнап алып атырған қусайды. Неге акция шығаратуғын болса, оннан биз - акционерлердиң хабарымыз жоқ. Оның бир тәртип-қағыйдасы жоқ па?

Исбилермен апайды буннан арман қыйнағым келмеди. Оның қолындағы «Ашық хат»ты алып қалдым. Ол бойнша журналистлик изертлеў алып бармақшыман. Егер ҳақыйқатында да сол исбилермен ҳаял айтқандай, бул жерде Президент пәрманлары, ҳүкимет карар талаплары үзилиске түсирилип атырған болса не ушын мен оған пуқара сыпатында позициямды билдирмеўим керек екен?! Не ушын Президентимизге шын кеўли менен исенетуғын исбилерменлеримизди қоллап-қуўатламаўым керек?! Егер, олай ислесем өзимниң пуқаралық ўазыйпама, кәсибиме, қала берди Президентиме деген садықлығым қайда қалады?!

Исбилермен апай алып келген «Ашық хат» пенен танысамыз:

**« Өзбекстан Республикасы Президенти**<br>
**И.А.КАРИМОВқа**<br>
**көширмеси: Өзбекстан Республикасы**<br>
**Бас прокуроры Р.ҚАДИРОВқа**<br>
**көширмеси: Қарақалпақстан Республикасы**<br>
**Жоқарғы Кеңеси Баслығы**<br>
**М.ЕРНИЯЗОВқа**<br>
**көширмеси: Нөкис қаласы ҳәкими**

**С.АЛЛАНАЗАРОВқа**

**А Ш Ы Қ Х А Т**

Ҳүрметли Ислам Абдуғаниевич!

Ҳүрметли ҳуқық қорғаў уйымлары ҳәм ҳәкимият басшылары!

Биз бир топар акционерлер ҳәм исбилерменлер Сизлердиң дыққатыңызды Нөкис қаласындағы «Нөкис дийхан базары» акционерлик жәмийетинде орын алып атырған нызам бузыўшылық ҳәрекетлерине қаратпақшымыз.

Бизиң тийкарғы бас Нызамымыз болған Конститутциямыздың 18 жыллық байрамы мүнәсибети менен өткерилген салтанатлы жыйналыста Ҳүрметли Президентимиз келеси жаңа жылымызды «Киши бизнес ҳәм исбилерменлер жылы» деп атады. Бул демек, биз – исбилерменлердиң ҳуқықымыздың қорғалыўының кепиллестирилетуғынынан дерек береди. Сол ушын, биринши гезекте Ҳүрметли Президентимизге шын жүректен миннетдаршылық билдиремиз. Соның менен бирге, Президентимиз басшылығында алып барылып атырған реформаларға қайшы келетуғын, пүткил халықтың алдында Журтбасшымыздың абыройын түсирип, «киши бизнес, исбилерменлик ҳәм меншик ҳуқықын қоллап-қуўатлайман» деп берген сөзиниң ис жүзинде орынланыўын үзилиске түсирилиўиниң алды алынып, буннан былай, биз айтпақшы болып отырғандай нызам бузыўшылық ҳәрекетлерине шек қойылыўынан үмит етемиз.

«Нөкис дийхан базары»на соңғы 4-5 жылда бир неше мәрте реконсрукция жумыслары исленди. 2007-2008-жыллар болса базарымыз Бас жоба тийкарында қайта қурылды. Биз ўақтында бул туўралы Өзбекстан Республикасы Бас Прокуроры Р.Қадировқа арза жазып мүрәжәт еткенбиз. Арзамызға бул «аниқланишича «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» институты томанидан «Нукус деҳкон бозори»да сотувчилар, хизмат кўрсатувчилар ва харидорларга қулай шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган бош лойиҳанинг ижросини таъминлаш мақсадида реконструкция ишлари амалга

оширилмоқта» деген жазба жуўап алған едик. Сол себепли биз бурын ижараға алып саўда ислеп келген саўда шақапшаларымызды меншикке сатып алдық.
Себеби, биз, Президентимиз ҳәм оның басшылығында алып барылып атырған экономикалық сиясатты қоллап-қуўатлап келгенбиз, буннан кейин де оны ҳәр тәреплеме қоллап-қуўатлаймыз. Ҳүрметли Президентимизге исенемиз. Президентимиздиң Конститутциямыз бенен кепиллестирилген Меншик ҳуқықымыздың аяқ асты етилиўине жол қойылмаслығын тәмийинлеўине иймамымыз кәмил.

Бизлер, жоқарыда айтқанымыздай, усы өзлеримиздиң меншик саўда шақапшаларымызда нызамлы түрде мәмлекетлик есаптан өтип, банктен есап бетлеримизди ашып саўда ислеп киятырған едик. Ўақтында тийисли салықларды төлеп киятырмыз. Киши бизнесимизди раўажландырыў мақсетинде, исбилерменлерге Ҳүрметли Президентимиз тәрепинен жаратып берилип атырған қолайлылықлардан пайдаланып, усы меншик саўда шақапшаларымызды гиреўге қойып банктен кредитлер алғанбыз. Соған қарамай бүгинги күни бизиң саўда шақапшаларымызды және бузбақшы болып отыр.

Дурыс, егер ҳақыйқатында да базар басшылығының ҳәрекетлери орынлы болса, биз оған қарсылық көрсетпекши емеспиз. Мейли базарларымызды заманагөйлестирсин. Халқымызға қолайлылықлар жаратсын. Ол ушын бәри бир олар нызамлы түрде ҳәрекет етиўлер керек болады. Бизиң ҳуқықларымызды ҳүрмет етип, сол өзлериниң қайта қурыў жобаларынан көретуғын шығынларымыздың қаплап берилиўин (компенсацияланыўын) тәмийинлесин. Исбилерменлик ҳәрекетлеримизди даўам еттириўимиз ушын мүмкиншиликлер жаратып берсин. Ақыры, бизиң меншик ҳуқықымызға қол қатылмаслығы Конститутциямызда кепиллестирилген, ал сол кепиллестирилген Өзбекстан Республикасы пуқараларының ҳуқықларын қорғаў ушын болса Ҳүрметли Президентимиз Қуран услап ант ишкен.

«Нөкис дийхан базары» акционерлик жәмийетимизде соңғы еки жылда 4-5 мәрте басқарма баслығы өзгерди. Ақыр ақыбет, жақында бурын усы жерде ислеп,  бир неше мәрте қандай да бир себеплерге байланыслы босап кеткен Аллаберди Незаматов қайта баслық болып келди. Бизиң еситиўимизше, бүгинги күни банктен алдын алынған кредитлеримиз ушын бир неше жүз миллион сўмлық қарызымыз бар қусайды. Сол ушын да соңғы жыллары акционерлермиз дурыслы девидент алыўды қойды. Оның себеплерин түсиндирип берип атырған адамды көрмедик. Базарда Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинетиниң 28.07.2003-жылғы 330-санлы Қарар талапларын орынлаў усы күнге шекем қопал рәўиште бузылып киятыр. Оның үстине, Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинетиниң 2010-жыл 8-июнь күнги 112-санлы қарары менен киргизилген (Приложение №3 к Правилам розничний торговли в Республике Узбекистан)  қосымшада белгиленген талаплар да орынланбай атыр.

Өзлеримиздиң меншик ҳуқықымыз бузылып, исбилерменлик ҳәрекетлеримизге кесент келтирип атырғаны туўралы Қарақалпақстан Республикасы Адиллик Министрине хат жазған едик. Оннан: «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» институты томанидан «Нукус деҳкон бозори»да сотувчилар, хизмат кўрсатувчилар ва харидорларга қулай шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган бош лойиҳанинг ижросини таъминлаш мақсадида реконструкция ишлари амалга оширилмоқта» деген мазмунда жуўап хаты алдық. Ҳәр сапары өзгертиле беретуғын жобаны- Бас жоба деп атаўға бола ма?..

Және бир айта кететуғын нәрсе буннан бир неше жыл бурын базардың жабық бөлегинде алып барылған реконструкция жумыслары пайтында көпшиликтен «за акция» деген сылтаў менен бир неше он миллионлап нақ пул жыйнап алынған еди. Лекин усы күнге шекем оған акция бермеди. Еситиўимизше, сол пулларымыз банк кассаларына да кирис етилмеген көринеди. Сол ўақытта да акционерлик жәмийетимиз баслығы А.Незаматов еди. Ол қайта баслық болып сайланып сол қылығын және шығарып және

қандайдур акция ушын 10 миллион сўмлап нақ пул жыйнамақта деген мыш-мышлар жүр.

Бул жерде буннан басқа да бир талай нызам талаплары бузылыў ҳалатлары ушыраспақта. Бирақ оны биз бул жерде жазып отырмақшы емеспиз. Сол ушын сизден усы мәселени анықлаў ушын Арнаўлы комиссия жибериўиңизди өтинип сораймыз. Биз сол комиссияға қолымызда бар ҳүжжетлерди көрсетип, бул жердеги нызамсыз ҳәрекетлерди дәлиллеп беремиз. Жәрдем бериң.

Сизге узақ өмир тилеп, халқымыздың бахтына аман болыўыңызды Аллатааладан сорап қаламыз деп Қарақалпақстанлы бир топар исбилерменлер.

Злиха Үббиниязова,

акционер, исбилермен.

…ҳәм тағы басқалар…» (Негедур қалған исбилерменлер Арнаўлы комиссия дүзилмегенше өзлериниң атын көрсетпеўди өтиниш етипти)

Хаттың мазмунына қарағанда арзаға қол қойған исбилерменлердиң көпшилиги меншик ийелери екен. Демек, олар ҳақ.

Маған түсиниксиз болып турған нәрсе Нөкис қаласы ҳәкими сол саўда шақапшаларын өз қарары менен меншиклестирип берген. Оны меншиклестирер пайытында акционерлик жәмийети басқарма баслығы қарсылық билдирмеймен деп рухсат еткен. Олардың қолында сол дүканлардың меншик екенин дәлиллейтуғын мәмлекетлик гүўалық бар. Мен олар менен бирме-бир танысып шықтым. Солай екен, егер базарға реконструкция ислемекши болсаң, алдын меншик ийелериниң шығынларын қаплаў бойынша жоба ислеп шығыўың, оннан сол меншик ийелерин хабардар етиўиң тийис. Онысыз нызам талапларын бузған боласаң. Нызам талапларының бузылыўының ақыбети болса жақсылыққа алып келмейди. Өзбекстан Республикасы Президентиниң Олий Мажилис Нызамшылық

палатасы ҳәм Сенатының қоспа мәжилисиндеги «Мәмлекетимизде демократиялық реформаларды және де тереңлестириў ҳәм пуқаралық жәмийетти раўажландырыў концепциясы» деп аталатуғын докладында айтылған гәплер бизиң буннан кейинги ҳәрекет бағдарламамыз болып қалмағы дәркар. Оны саррас турмысқа ендириў арқалы ғана биз Президентимиз басшылығында алып барылып атырған реформаларды табыслы даўам еттире аламыз.

Сол ушын мен, ертеңнен баслап, жоқарыдағы «Ашық хат»та жәрияланған фактлерди өз бетимше үйренип шығыўға кириспекшимен. Жуўмағы бойынша «Еркин Қарақалпақстан» газетасында аналитик мақала жәриялаў нийетим бар. Күтиң…

Бунда журналист газетага таҳлилий мақола ёзмоқчилигини кўрсатади. Ушбу мақола бўйича блогда аудиториядан журналистга таклиф ҳамда фикрлар берилади. Кўпчилиги уни ижобий баҳолайди. Масалан, Айнура Бекбаўлиева журналистдан яна шундай куйинчак мақолалар кутишини ёзиб қолдиради.

Журналистик блоглар эркин фикрлашда ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда муаммони ўрганишда яхшигина воситачи ҳисобланади. Шунингдек, журналистга мавзу учун ғоя беришда ҳам унинг аҳамияти катта. Масалан, Бухорбой Тилеўмуродов 2010 йил 11 ноябрда блогга “Газетани қизиқарли чиқариш учун нималарни ёзишим керак?” мақоласини блогга жойлаштиради.

...«Не ушын газета оқыўға қызығыўшылық төменлеп кетти?» деген сораўыма жуўап излеўди бүгинде даўам еттирдим. Күн бойы бир неше кәрханада болдым. Кеште үйге келип, азы-кем дем алып болғаннан соң, сол жерлерде болып топлаған мағлыўматларымды тәртипке түсирдим. Фотоаппаратымдағы сүўретлерди компьютериме көширип, оларды газетаға таярлайтуғын мақалаларыма сәйкеслеп, сақлап қойдым.

Кейин, соңғы ўақытлары редакция тәрепинен өзиме үйренип шығыў ушын берилген хатларды көзден өткере басладым. Электрон почтамды аштым.

Ойлап көрсем, жазса болатуғын тема көп екен. Мине мына хатты алып қарайық. Нөкисли бир пуқара өзиниң мийнет ҳақысынан арттырып топлаған пулларына жеңил автомашина сатып алмақшы қусайды. «Бирақ мен сол пулларымды шет ел валютасына алмастыра алмай атырман, жәрдем бериң» деп сорапты, ол...

Бундан ташқари ушбу бўлимда «Қырық лексия, еки сессия, бир Нексия...», “Доллар бар ма, доллар… доллар аламыз…”, “Қымбатқа түскен қәте”,«Көп нәрсе өзлеримизге де байланыслы…», “Мыш-мышлар ҳәм ҳақыйқатында да бар гәплер”, «Журналисттиң күнделигин ким оқыйды…», «Мениң ойымша, буннан Президентимиздиң хабары жоқ…» мақолалари жойлаштирилган.




Блог анча қизиқарли ва бугуннинг талабларига қисман жавоб беради. Унинг бошқа электрон ОАВдан фарқи, унинг ҳар куни янгиланиб туришида. Шунинг учун унинг аудиторияси кўпчиликни ташкил этади.

Имкониятлар кенгайгани сари манфаатлар ҳам ошаверади. Ушбу манфаатларни қондиришда қайси оммавий ахборот воситаси кўпроқ, таъсирлироқ усулни қўлласа, унинг омоди чопади. Ахборот майдонида етакчига айланади. Буни эса вақт кўрсатади.

## 2.2 Онлайн радиоканаллар: “Нукус ФМ” радиоканали мисолида

Интернет чексиз имкониятлар олами. Унинг қудрати олдида ҳар қандай нодир ихтиро хам ожиз. Негаки, у сизу бизнинг кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжимизни доимий таъминлайди. Хусусан, "ўргимчак тўри"га ОАВнинг жойлаштирилиши унинг имконият ва нуфузини янада оширади. Ҳозирда кўпчилик ОАВ интернетда сайтини очиб, фаолият кўрсатмоқда. Шулар қаторига онлайн радиоканалларини ҳам қўшиш мумкин.

Бугунги кунда юртимиздаги деярли барча радиоканаллар ушбу тизимга жойлаштирилган. Масалан, "Ўзбекистон"(www.uzbekradio.uz), "Ўзбегим таронаси"(www.fm101.uz), "Ёшлар"(www.fmyoshlar.uz) ва "Гранд" (www.grand.uz ) шулар жумласидан.

Хўш, Қорақалпоғистон радиоканалларининг онлайнда ўз сайти мавжудми? Мавжуд бўлса, унинг ютуқ ва камчиликлари нималардан иборат? Радиоканал фаолияти интернет журналистикаси талаб ва қонун-қоидаларига жавоб берадими? Бунда биз шу каби саволларга жавоб қидирамиз.

Ҳозирда Қорақалпоғистонда иккита "Қорақалпоғистон" ва "Нукус ФМ" радиолари эшиттиришларини аудиторияга узатади. "Қорақалпоғистон"-давлат, "Нукус ФМ" эса хусусий радиоканал ҳисобланади. Минтақада кечагача атиги битта "Қарақалпақстан" радиоси фаолият кўрсатарди. Ва у кун давомида 6,5 соат эшиттиришларини узатарди. Аммо, унинг дастурларни узатиш вақти ҳануз ўзгарганича йўқ. Радиоканалнинг ташкил этилганига кўп вақт бўлди. У анча-мунча тажрибага эга бўлишига қарамай, унча янгиланишлар кузатилмаяпти. Яъни, баъзи дастурлардаги бир хиллик, ахборотни "пирамида" шаклида бериш сақланиб қолган. Тўғри, ўтган йилдан бери "СМС жонелис", «Байланыу" каби аудитория билан ўзаро интерфаол ўйинларни ўтказиш яхши йўлга қўйилди. Лекин бу каби интерфаол дастурлар кам. Шу ўринда яна бир нарса-Республиканинг нуфузли радиоканалининг интернетда сайти йўқлигининг ўзи тушунарсиз.

Республикадаги иккинчи радиоканал-"Нукус ФМ". У 2009 йил Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси "Маҳалла"

жамғармаси қўллаб-қуватлаши билан тузилган. Радио мусиқий-информацион форматтаги эшиттиришларни тайёрлайди. Дастурлар аудиторияга 24 соат давомида узатилади. Уларнинг 60% мусиқий эшиттиришлардан иборат. Радио тўлқинлари Нукус, Тахиатош, Хўжайли, Кегайли туманига узатилади. “Нукус ФМ” радиоси интернетда www.karstars.com сайтида фаолият кўрсатади. (8-расм)




**(8-расм)**

Ундан фойдаланиш ва эшиттиришларни тинглаш учун сайтнинг юқори қисмидаги “Регистрация” ойнасига кириш керак. Сиз у ердаги катакчага ўзингиз ҳақида маълумотни киритасиз. Сўнг сиз унинг фаол аъзоси бўласиз ва логин, паролингиз билан сайтдан фойдаланасиз.

Сайт бир нечта бўлимдан иборат. “Бош бет”, “Эстрада”, “Қорақалпоғистон янгиликлари”, “Медиа”, “Фото”, “Юлдузлар”, “Форум” ва “СМС”.

Ҳар бир бўлимда қизиқарли хабар ва янгилик, эшиттиришлар жой олган. Масалан, “Қарақалпақстан жаналықлары” бўлимида изчил равишда янгиликлар бериб борилади. Унга радио орқали узатиладиган “Кун жаналығы” жойлаштирилади. Аммо, баъзида янгиликлар янгиланмай қолади.

“Эстрада” бўлимида эса, қорақалпоқ эстрадаси ҳақидаги туркум эшиттириш ва хонандалар ҳақида маълумотлар берилади.

“СМС” бўлимига сайт мижозлари ўзларининг дастурлар, сайт ҳақидаги таклиф ва фикрларини билдиради. Биз бўлимдаги фойдаланувчиларнинг

таклифларини ўрганганимизда, улар томонидан сайтга жойланган видеоларнинг баъзиларини кўриш имкони йўқлиги ва дастурлар тез-тез янгиланиб туришини хоҳлашини билдиришган.

Радио интернетда ўзининг анъанавий ютуқлари (овоз, мусиқа, бадиий шовқин)дан ташқари яна бир қатор имтиёзларга эга. Интернет эса ўзида бир қатор функцияларни мужассамлаштирди: электрон почта, реклама, эълонлар, электрон савдо, кутубхоналар ва бошқалар. Буларнинг асосийси – истеъмолчига турли мазмундаги ахборотларни етказиш бўлди. Бу ерда вақтнинг “темир оқими” (линейность времени) истеъмолчига таъсир қилолмайди[20].

Онлайн радионинг энг катта ютуқларидан бири - у овоз билан тасвирни ўз ичига қамраб олади. “Нукус ФМ” радиосида ҳам кунлик эшиттиришларнинг кўп қисми овоз шаклида узатилади. “Эстрада”, “Юлдузлар”, “Медиа” бўлимлари эса тасвирдан иборат. Яъни дастурлар видео кўринишида



**(9-расм)**

Истемолчи мазкур бўлимдаги қўшиқ ва видеоларни томоша қилиши ва уни кўчириб олиши имконига эга. Бунинг учун эса у сайтнинг фаол иштирокчиси бўлиши лозим.

---

[20] Калмыков А, Коханова Л. Интернет-журналистика. – Москва: Издательство: Юнити-Дана, 2005.-Б. 79.

Сайтдаги дастурларни эшитишда қисқа узилишларни кузатишимиз мумкин. Айниқса, бу видеоларни томоша қилишда 2-3 дақиқага чўзилади. Бу эса сайт истемолчисини зериктириши ва қизиқишининг сусайишига сабаб бўлиши мумкин.

Сайтнинг ўнг ойнасида "Саволлар" жойлашган. Унда қизиқарли саволлар бериб борилади. Шу орқали аудитория фикрини ўрганади.

Радиоканалда яхши анъана бор. Яъни ҳар йил "Йилнинг энг яхши қўшиқчиси" номинацияси бўйича танлов ўтказади. (10-расм) Мазкур блитс-савол шаклидаги лойиҳада "Сизнингча йилнинг энг яхши хонандаси ким?", "Йилнинг энг яхши қўшиғи" каби саволлар берилади.

Шу ўринда онлайн радионинг яна бир ютуғини келтиришимиз ўринли. Унда анъанавий радиодан фарқли турда компьютер радиоканал адреси, телефони, факс ва электрон манзиллари, раҳбарият ва эшиттириш муаллифлари, фамилиялари ва бошқа маълумотлар биринчи бетларда жойлаштирилади. Бу эса, албатта, тингловчиларнинг онлайн радиога ишончини бир оз оширади. "Нукус ФМ" радиосида ҳам эшиттириш муаллифи, бошловчи, сайт модераторлари ҳақида маълумот бериб борилади. Бевосита фойдаланувчи уларга СМС тариқасида таклиф ва талабларини қолдириши мумкин.

Сайтдан радиоканал орқали бевосита узатиладиган "Кун мейманы", "ФМ-салом", "Ауа-яқ, билмедим", "Радио концерт", "Имканият плюс", "Кутилмеген конырау" эшиттиришлари, "Кызлар гулдастеси", "Мир звезд", "Радио тест", "Билесизбе?", "20лык хит парад", "Кулки усталары" дастурлари ўрин олган. Бироқ, онлайнда аудитория билан тўғридан–тўғри боғланадиган жонли эшиттиришлар кўп эмас. Мижозлар сайтдан ўзбек, қорақалпоқ, рус тилида фойдаланиши мумкин.

Демак онлайн радио очиқ-ошкора фаолият кўрсатади. Унда ОАВнинг бошқа турларига нисбатан радиоэшиттиришларнинг виртуал кенгликда жойлаштирилиши анча осон кечади. Чунки овозни интернетда жойлаштириш

техник жиҳатдан ҳеч қандай муаммо эмас. Бунинг учун аудиоплатонинг ўзи кифоя.

"Нукус ФМ" радиоканалида ҳам эшиттиришларнинг овози анъанавий радиога нисбатан яхши эмас. Оҳанги паст.

Ҳар бир мухлис интернетдаги материалга ўз фикрини билдира олиши, ёки бирор мавзуда ўз мақоласини чоп эта олиши аудитория фаоллигини оширади. Жумладан, радио сайтларида ҳам тингловчи ўзининг фикрлари билан қатнашади. "Нукус ФМ" радиоканали сайтида ҳам ахборот истеъмолчиси узатилаётган эшиттириш, ахборотга ўз фикрини билдира олади. Компьютер дастурчилари томонидан келажак ҳақида берилган таърифларнинг бирида шундай тахмин бор эди : "XXI аср том маънода уй овоз студиялари асри бўлади"[21]. Илмий башорат тўғри чиқмоқда. Айни кунга келиб, овоз ёзиш ва уни қайта ишлаш учун махсус овоз ёзиш студияларига боришнинг зарурати йўқ.

Радионинг интернетдаги эшиттиришларини жонли турда Мийригул Есимбетова, Бекзат Алланиязов, Рустем Бўрибаев, Даврон Халимов, Александра Белова (Аврора), Фарит Оринбаев (Бексултан), Гулзира Ембергеновалар олиб боради.

"Ауа-яқ билмедим" радио ўйинида фойдаланувчи бошловчи билан интернет орқали тўғридан тўғри боғланади. Бошловчи турли хил саволлар билан уни чалғитишга ва "Ауа-яқ билмедим" сўзларини айттиришга тиришади. Агарда сиз ушбу сўздан биронтасини айтиб қўйсангиз, билингки, ютқазасиз. Радио ўйинда ғолиб иштирокчи концерт дастури чиптасини қўлга киритади.

Шундай жонли дастурлардан бири "ФМ-Салем" 2011 йилнинг 22-сентябр соат 17:00дан 18:00гача узатилган. Бунда мухлислар салом-табрикларини смс ва жонли тарзда йўллаган. Масалан, Нукуслик Азиза

---

[21] Рэндалл Д. Универсальный журналист. –Алматы: Арай, 1996.-Б.50

Қараўзаклик дўсти Жадирага салом йўллайди. Салаўат исмли бола онасини тўғилган кўни билан табриклайди.

"Нукус ФМ" радиосидаги "Кўтилмеген мейман" эшиттиришининг бошловчиси иқтидорли ёшлар билан суҳбат олиб боради. У онлайн орқали 2011 йил 21-октябрь соат 17:00дан 18:00гача узатилган. Бошловчи Айшолпан Ўразимбетова Нукус Давлат педагогика институти қошидаги 1-сон академик лицей ўқувчиси Турсунгул Ўтарова билан суҳбатлашади. Эшиттириш давомида журналистнинг айрим камчиликларига кўз ёмиб бўлмайди. Яъни, "Сиз 2-синфингиздан бадиий китоблар ўқиб келмоқдасиз..." жумласини қўллайди. Бу ҳолат радиодаги баъзи журналистларнинг сўз билан ишлаш маҳоратининг етарли эмаслигини билдиради.

Тармоқнинг техник жиҳатдан яхши эмаслиги боис баъзида ўйин пайтида узилишлар ҳам бўлиб туради.

Радиоканал сайтдаги дастурларни тез-тез янгилаб бориб, аудитория билан мулоқат ўрнатадиган эшиттириш ва ўйинларни кўпроқ ташкил этса яна ҳам яхши бўлар эди.

Интернет эркинликни жиловламайди. У "очиқ минбар" вазифасини бажаради. Биз ундан истаган маълумотимизни олиш ва жойлаштиришимиз мумкин. Бунга эса чегара чизиғи тортилмаган. Мазкур ҳолат кейинчалик индувидуал интернет журналистикаси тушунчасининг пайдо бўлишига сабабчи бўлжа ажаб эмас. Ҳозирда хусусий ОАВ сонининг тобора кўпайиб бориши журналистиканинг ахборот бозорида ахборотни сотишга бўлган талабининг ошгани билан ҳам баҳолашимиз мумкин. Хусусан, интернет тармоғи бозорида ҳам ахборот сотилади. Бу бозорга маҳсулот олиб чиқиш эса ахборот бозорига таққослаганча анча осонироқ.

Ахборот тарқатиш ва алмашишда журналистиканинг турли шакллари бугунги кунда ривожланмоқда. Интернет журналистика эса унинг барча кўриниш ва хусусиятларини жамлаб ўзида мужассам этган. Интернетда радио, телевидение ҳамда матбуотнинг пайдо бўлиши унинг жамият ўртасидаги нуфузини янада ошириб юворди. Ҳозирда фойдаланувчиларнинг

тармоқдаги матбуот кўринишидаги ахборотларни кўп истемол қилади. Аммо, онлайн радиоканал ва телевидениелар аудиторияси чекланган. Негаки, тармоқдаги радио ҳамда телевидение ҳалигача оммавий ОАВ лари ўрнини боса оладиган талабга жавоб берганича йўқ. Яъни, интернетга бир нечта программаларнинг юклатилиши унинг тезлиги ва сифатига ҳам катта таъсир ўтказади. Бу бўлса одамларни ўзидан қочиради. Айни пайтда онлайн тизимида ишлайдиган радиоканал ҳам телевидениелар аудитория эътиборини иложи борича ўзига қаратишга ҳаракат қилишмоқда. Турфа хил интеректив ўйинлар ва мукофотли викториналар билан ўзига жалб қилишга уринишмоқда. Бунинг натижасида эса...

“Нукус ФМ” радиоканалида тингловчиларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, дастурлар тайёрланади. Эшиттиришларнинг кўпчилик қисми кўнгил очар дастурлардан иборат. Ҳар хил радио ўйинлар, СМС дастурлар ҳамда радио лойиҳалар кун давомидаги узатиладиган эшиттиришларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу каби интерактив эшиттиришлар радио мижозларини қизиқтира олади. Радиоканалнинг www.karstars.com сайтида ҳам ушбу анъана яхши йўлга қўйилган. Сайт фойдаланувчилари сонини кўпайттиришда шундай радио лойиҳаларни амалга оширади. Бу эса сайт қаридорларини ўзига жалб қилади. Масалан, “Дос достын айнасы”, “Айланаман”, “Тун” эшиттиришлари мавжуд.

Шубҳасиз, бундай интерактив дастурларнинг онлайн радиоканалларда қўлланилиши мижозларни кўпайттириш мақсадига эришишда катта аҳамиятга эга. Аммо, унинг баъзибир эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган жиҳатлари ҳам бор.

- Қисқа узилишлар

- Тармоқнинг овоз сети яхши эмаслиги...

Масалан, “Нукус ФМ” радионалида ҳафтасига бир марта “Кўтилмаган қўнғироқ” эшиттириши узатилади. Баъзида онлайнда ҳам жонли турда олиб борилади. Аммо, дастур давомида қисқа узилишлар тез-тез кузатилади. Бу бўлса сайт мижозини ўзидан бездиришига олиб келади. “20 лик хит парад”

эшиттиришида эса қорақалпоқ эстрада соҳасидаги “Энг, энг, энг...” лари аниқланади. Бунда сайтнинг “Эстрада” бўлимининг ўнг томонида “Саволлар” ойнасидаги саволга жавоб қолдиришингиз керак. Аудитория овозлари йил якунида ҳисобланади ва ғолиблар аниқланади. Мана шундай интерактив ўйинлар онлайн радиоканал учун ҳали оз. Негаки, сайт доимий мижозга эга бўлиши учун, аввало интерактив дастурларни кўпайттириши лозим. Шунингдек, бундай жонли эшиттиришларни тез-тез узатилса сайт тингловчилари сони янада кўпайган бўлар эди.

### 2.3 Қорақалпоғистон интернет журналистикасидаги оммавий коммуникативлик ҳамда коммуникацион жараёнларда хорижий тилларнинг аҳамияти ва ўрни

Ҳозирда Қорақалпоғистонда анъанавий оммавий ахборот воситалари интернет тизимига ўтиш жараёни кетмоқда. Яъни улар ўзларининг веб кўринишларини яратмоқда. Бу эса коммуникация жараёнининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Негаки, электрон кўринишдаги оммавий ахборот воситасини нафақат биз, балки хорижий давлатлар ҳам фойдаланиши мумкин. Шунинг учун ҳам айни пайтда барча турдаги газета, телерадиоканаллар интернет журналистикаси талабларига жавоб беришга ҳаракат қилишмоқда. Бу талаблар ичида эса миллий ва хорижий тил алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, биронта анъанавий газетанинг сайти фақатгина битта тилда бўлса, бу шу аудиториянинг ўқилиши учунгина хизмат қилади. Аммо унда хорижий тилларда ҳам ахборотлар узатилса бошқаларнинг ҳам ахборот олиш имкониятини кучайтиради. Бу эса тиллар ўртасидаги коммуникацияни ривожлантиради. Маълумотлар алмашинувини таъминлайди.

“Еркин Қарақалпақстан” ва “Вести Каракалпакстана” газеталарининг www.erkinkarakalpak.uz, “Қарақалпақстан жаслары”нинг www.qqjaslari.uz, “Jetkinshek” болалар газетасининг www.jetkinshek.uz, “Тўрткулнома”нинг www.turtkulnoma.uz ҳамда “Нукус ФМ” радиоканалининг www.karstars.com сайти фаолият кўрсатайтганлигидан хабарингиз бор. Ушбу сайтларда ҳар

кунги янгилик ва мақола, эшиттиришлар мунтазам бериб борилади. Ва бу кўпинча қорақалпоқ, ўзбек, рус тилларида жойлаштирилади. Масалан, “Еркин Қарақалпақстан” газетаси сайтидаги мақолалар асосан қорақалпоқ ва рус тилида. Аудитория сайтдан фойдаланганда ўзи хоҳлаган тилга қўйиши мумкин. Агарда рус тилида мақолани ўқимоқчи бўлса, сайтнинг тепасида жойлашган “Тил” деган жойдан ўзгартириши мумкин. Тил ўрнатилгандан кейин эса мақолалар ҳам ўша тилга ўзгаради. Бу истеъмолчига кенг имконият тўғдиради. Тил воситасида ахборот олишдек коммуникацияни амалга оширади.

Айни пайтда аксарият оммавий ахборот воситалари ўз маҳсулотларини бир нечта хорижий тилларда аудиторияга тақдим этишга одатланмоқда. Сабаби, улар ахборотни тил воситасида сотишни йўлга қўйишни мақсад қилишади. Битта тил эса имкониятларни чеклайди. Глобал тил сифатида қаралаётган рус ҳамда инглиз тили эса ахборотнинг чегарани кесиб ўтишига кўмак беради. Ахборот бозорида муносиб жой олишини таъминлайди. Масалан, “Нукус ФМ” радиоканали эшиттиришларининг онлайн версиясини қорақалпоқ ва рус тилида сайтга киритади. “СМС салом”, “Биздан савол, сиздан...” эшиттиришлари эса анъанавий эфирда ҳам рус ва қорақалпоқ тилларида олиб борилади. Бу ўз навбатида аудиториянинг яна мулоқат алмашинишига сабаб бўлади. Мазкур радиоканал сайтидаги аксарият эшиттиришлар рус тилида жойлаштирилган. “Пикирлер” бўлимидаги сайтнинг мижозлари ҳам рус ҳамда қорақалпоқ тилларида шарҳлар ёзган. Бундан кўринадики, оммавий ахборот воситалари соҳасида чет тилларидан фойдаланиш анча самарали.



**(11-расм)**

2012 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташшабуси билан “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори эълон қилинди[22]. Унда республиканинг барча ҳудудларида чет тили, асосан инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан бошланиши ва айрим Олий ўқув юртларида баъзи махсус фанлар чет тилида ўқитилиши белгиланди. Шунингдек, қарорда оммавий ахборот воситалари чет тилини ўрганишга доир ахборотлар узатиши ҳам киритилди. Бу барча турдаги ОАВ учун хорижий тилни кенг ривожлантириш имкониятини тақоза этади. Эндиликда онлайнда фаолият кўрсатаётган газета, телерадиоканаллардан ўз дастурларини хорижий тилларда ҳам бериш талаб қилинади. “Jetkunshek” газетасининг интернетдаги сайти фақатгина қорақалпоқ тилида ахборот узатади. (12-расм)




**(12-расм)**

Тўғри, у Қорақалпоғистондаги болаларнинг яккаю-ягона нашри ҳисобланади. Ваҳоланки, айни пайтда Қорақалпоғистонда бошқа миллат болалари ҳам яшайди. Мабодо улар сайтдаги ахборотлар билан танишмоқчи бўлса, қорақалпоқ тилини тушунмаса, янгиликларни ўқиш имконияти бўлмайди. Президентимизнинг чет тилларини ўрганишга боғлиқ қарорида хорижий тилларни ўрганиш биринчи синфлардан бошланиши таъкидланди.

---

[22] www.ziyo.uz/index/ 2012.23.12.18

Шундай экан, ушбу электрон нашр келажакда ушбу масалаларга ҳам эътибор қаратиши керак.

“Еркин Қарақалпақстан” газетасининг электрон сайтида 2009 йил 12-февраль сонида қўйидаги “Продукция пользуётся спросом” мақоласи чоп этилган.

**Раздел: Экономика. Автор: Редактор.**

У Амета Жамалова свой бизнес, солидный и развивающийся. С уверенностью можно сказать, что потребителями выпускаемой им продукции являемся все мы, и пользоваться спросом она будет всегда. Экономист по образованию, проработавший много лет в системе снабжения Амет Жамалов сумел не только выдержать жесткую конкуренцияю, но и значетельно расширить ринок сбыта.

Комментарии: 5. Просмотров: 305. Подробнее…

Мазкур биргина мақола бир нечта одамлар томонидан ўқилган. Ҳаттоки, улардан бештаси ўз фикрларини билдирган. Бу коммуникациянинг бир кўриниши ҳисобланади. Бу материални биргина биз эмас, бошқа чет давлатларнинг аудиториялари ҳам ўқиши мумкин. Негаки, у рус тилида ҳам чоп этилаяпти.

Қорақалпоғистон Республикасидаги Тўрткул туманида чиқадиган “Тўрткулнома” газетасининг www.turtkulnoma.uz сайти мавжуд. Унинг ташкил этилганига кўп бўлганича йўқ. Аммо у туман миқиёсидаги газеталар ичида илк бора электрон кўринишга ўтгани саналади. Бироқ, сайт баъзида ишлайди, айрим вақтларда фаолиятини тўхтатади. Яна у фақат ўзбек тилида ўз мақолаларини интернетга жойлаштиради.

Ҳозирда интернетда қорақалпоқча блоглар ҳам яратилган. Масалан, журналист Бухорбой Тилеўмуродовнинг www.kkreporter.uz блогида доим янгилик ва таҳлилий мақолалар жойлаштирилади. Ва бу айни дамда фуқаро

журналистикасининг шаклланишига замин яратмоқда. Бундан ташқари ушбу блогдаги мақолалар рус тилида ҳам чоп этилади.

14.10.2009 йил. “Жаналанып турыу кереклигин умыттыкпа?” мақоласида Нукус шаҳри марказида йўловчилар ташийдиган Дамас маркали машиналарнинг проезд пули қимматиганлиги ҳақида. Муаммолар ўрганиб чиқилади. Ҳаттоки, ушбу мақолага Қозоғистон, Россиядан бир нечта одамлар фикр билдиради. Мақола оммавийлашади.

Қорақалпоқ интернет журналистикасида коммуникация жараёнида хорижий тилнинг аҳамияти қуйидагича таснифланади:

- ахборотнинг оммавийликка айланиши. Бунда у чет давлатларга ҳам тарқалади.

- хабардорлик. Унда аудитория ўзи тушунадиган тилда ўша давлат янгиликлари ҳақида маълумотга эга бўлади.

- билим кўникмасини шакллантириш. Одам сайтга мурожаат қилганда инглиз ёки рус тилидаги янгиликларга кўзи тушса, ўқигиси, тушунгиси келади. Бу уларда тилни ўрганишга бўлган қизиқишни келтириб чиқаради.

- мулоқатнинг алмашиниши.

Қорақалпоқ интернет журналистикасида коммуникация жараёнида хорижий тилнинг муаммолари ҳам мавжуд:

- ҳамма журналистлар ҳам инглиз тилини яхши билавермайди.

- мақолаларни хорижий тилга таржима қилишга қўшимча куч ва вақт сарфланади.

- кўп тиллик аудиторияни чалғитади.

- программаларнинг ишлаш тезлигини пасайтиради.

Қорақалпоғистон интернет шароитида ушбу муаммоларни бартараф этиш бироз қийин. Негаки, ҳануз барча оммавий ахборот воситалари электрон тизимга ўтганича йўқ. Интернет журналистикаси энди ривожланмоқда. Хорижий тил воситасида коммуникацион тизимини интернет оммавий ахборот воситаларидаги аҳамияти ва ролини ошириш учун аввал электрон ОАВни тараққий эттириш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда қўшимча маълумот. Ҳозирда 200та ОАВга тегишли сайтлар мавжуд. ОАВнинг ушбу сайтлари ўзбек, рус тилларида фаолият кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон телерадио компаниясининг www.mtrk.uz сайти ўз саҳифаларини шу иккита тилда очади. Кўп тиллик ахборотнинг жаҳон бозорига экспортини таъминлайди. Бундан ташқари у миллат, давлатлараро муносабатларни ривожлантиради. Коммуникация тизимини яхшилайди. Турли соҳалардаги ҳамкорликни кучайтиради.

Ҳозирда кўпчилик кабелли телеканаллар ўз кўрсатувларини турли тилларда узатаяпти. Яъни улар дастурларни узатадиган шундай усуллардан фойдаланишмоқда. Бу узоқни кўзлаб амалга оширилаётган усул. Негаки, бу томошавинга ўз тилида ахборот олишга бўлган имкониятни яратади. Шундай экан, интернетда фаолият кўрсатаётган ОАВ учун хорижий тилларда ахборотларни узатиш жуда муҳим ва долзарб саналади.

Оммавий ахборот воситарига кўпроқ оммавийлик хусусият хос. Негаки, у ахборотни доим жамият учун тайёрлайди. Омма билан муносабат ўрнатади. Бир вақтнинг ўзида бир нечта аудиторияга кириб боради. Фикр уйғотади, маълум воқеа, жараён ҳақида хабар беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, у оммавий коммуникацияни амалга оширади.

Ҳозирда оммавий алоқанинг турли замонавий воситалари мавжуд. Улар орасида ОАВ бир тури дея тан олиган ва оммавий алоқани ҳаддан ташқари ривожлантирган интернетни айтиб ўтишимиз керак. Тармоқ одам, жой танламайди. Хоҳлаганча алоқа қилиш имкониятини яратади. Унда саноғсиз коммуникация бор. Масалан, ижтимоий сайтлар орқали одамлар бир бири юилан маълумот алмашади, гаплашади. Суҳбат давомида эса ким, нимадир ҳақида ахборот узатилади. Бу коммуникациями? Ундай бўлмаганда эди ижтимоий тармоқлардаги журналистика тушунчаси пайдо бўлмаган бўлар эди. Электрон нашр, телерадиоканалларнику айтмасак ҳам бўлаверади. Ундаги блог, сайтлар орқали узатилаётган ахборотларнинг ҳаммаси алоқа хусусиятини ўз ичига қамрайди. Демак, интернетнинг ўзи катта бир оммавий коммуникация.

Оммавий коммуникация характерини берадиган ўзига хос талаблар бор. Бу талаблар ичидаги энг муҳими бу маълумот бериш ҳисобланади. Масалан, бунга интернетдаги махсус яратилган блогларни ҳам олишимиз мумкин. www.kkreporter.uz блогида куннинг долзарб янгиликлари доимий бериб борилади. Танқидий, муаммоли мақолалар ўрин олади. Энг асосийси унда жамоатчилик билан ишлаш тизими яхши ривожланган. Яъни сайт муаллифи аудиторияга савол ташлайди. Бошқаларнинг фикри ўрганилади. 2009 йил журналист блогга “Пул айланысы кун тартибиндеги маселе” мавзусидаги мақоласини жойлаштирган. Бу кўпчиликни уйғотди. Фикрлар билдирилди. Муаммолар кўтариб чиқилди. Бу коммуникациянинг оддийгина бир кўриниши саналади. Зеро алоқа муаммоларнинг ҳам ечими ҳисобланади.

“Еркин Қарақалпақстан” газетасининг www.erkinkk.kr.uz сайти аудиторияни мамлакатимиз ва хорижда содир бўлган воқеалар тўғрисидаги сўнги ахборотни беради. Сиз уни хоҳлаганча истеъмол қиласиз. Хулоса чиқарасиз. Ўзингиз ва атрофингиздагиларнинг қандай яшаётганлиги ҳақида ОАВ нуқтаи назаридан маълумот оласиз. 2011 йилда сайтга жойлаштирилган “Адилетте гап коп” мақоласида Ўзбекистон Қаҳрамони Ағитай Адилов ҳақида гап кетган. Унинг машақатли меҳнати, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қўшган ҳиссаси ҳамда тажрибали кенг ёритиб берилган. Мазкур мақола 123 одам томонидан ўқилган. Беш нафари ўз фикрини билдирган. Сайтдаги ушбу мақола нафақат хабар бераяпти, балки бошқаларни ҳам шундай эзгу ишларни қилишга ундаяпти. Бу жараённи эса яна оммавий коммуникацияга киритамиз. www.jetkinshek.uz сайтида ҳам оммавий хусусиятга эга ахборотлар жуда кўп. Масалан, сайтнинг 2013 йил 17-январдаги сонида “Пан олимпиадасы-2013” сарлавҳали мақола эълон қилинган. Унда жорий йилда фан олимпиадасида ғолиб бўлганлар ҳақида сўз кеткан. Бу ҳам аудитория учун қизиқ ахборот. Алоқанинг оммалашиши шундай электрон кўринишда амалга ошиши ҳам мумкин.

Ёшлар газетаси ҳисобланган “Қарақалпақстан жаслары”нинг www.qqjaslari.uz сайтида “Пикир” бўлими бор. Бўлимда аудитория

журналистлар билан боғланиши, мақолалар ҳақида фикр билдириши ёки талабларини қолдириши мумкин. Бу ҳолатда электрон нашрда фақатгина журналистлар эмас, фуқаролар ҳам тенгдек иштирок этади. У ОАВ ходимлари ва аудитория ўртасидаги оммавий коммуникацияни юзага келтиради. Ҳозирда шу тенденция хорижий электрон ОАВ кенг қўлланилади. Ва бу жамият билан алоқанинг энг самарали усули дея баҳоланмоқда. Миллий ОАВ ва ижтимоий сайтларимиз бундан андоза олган ҳолатда алоқани яна мустаҳкамлади.

Айни пайтда мамлакатимиздаги интернетда фаолият кўрсатаётган ОАВ анъанавийлик характерга эга бўлиб улгурганича йўқ. Чет давлатларда эса у алла қачон оммавий кўринишни касб этди. У оммавий коммуникациянинг энг таъсирчан воситаси дея тан олинди. Негаки, одамларда уйда ўтириб газета, телевизор кўриш, ўқишга вақт йўқ. Улар маълумотни интернетдан тезда олишади. Интернет эса уларга битта воқеа тўғрисида турлича ахборот узатади. Муносабатларни беради. Сизга ҳам ўз фикрингизни қолдириш иимкониятини яратади. Яна оммавий коммуникация вужудга келади. Тўғри, ахборотни олишда интернетга мурожжат қилиш секин аста бизда ҳам кучаймоқда. Аммо миллий ахборот бозоримиздаги ахборотлар уларни тўла қониқтиролмаяпти. Электрон ОАВ яхши ишламаяпти. Масалан, “Нукус ФМ” радиоканалининг www.karstars.com сайтидаги эшиттиришларнинг янгиланмаганлигига тўрт ой бўлган. Ахборотлари бўлса жуда эскирган. www.qqjaslari.uz сайтида ҳам шундай ҳолат. Сайт гоҳ ишламайди, гох янгиланмагунча туради. Маълумот алмашилмайди. Унда оммавий коммуникацияга путур етади.

Ушбу электрон ОАВнинг бир нечта оммавий коммуникативлик хусусияти мавжуд:

- ахборотнинг иштирокчиси аудитория бўлиши;
- фикрлар билдирилиши;
- турли қараш, тўхтам, хулосаларнинг борлиги;
- Алоқанинг мурожжат шаклининг мавжудлиги в.ҳ.к.

Электрон ОАВнинг оммавий коммуникация воситаси сифатида бир нечта муаммолари ҳам бор:

- ахборот манбаининг кўплиги;

-анъанавий ОАВ нисбатан маъсулиятнинг камайиши; (Сайтнинг аудиторияси кўп эмаску деган тушунчанинг мавжудлиги )

- интернет ахборотига нисбатан ишончсизлик;

-алоқанинг чегара танламаганлиги. (Ижтимоий сайтлардаги ёзишмалар)

Энг катта муаммо бу ахборотга ишончсизлик ҳисобланади. Бу кўпроқ яратилаётган хусусий сайтларда учрашади. “Еркин Қарақалпақстан”, “Қарақалпақстан жаслары”, “Jetkinshek” газеталари сайтларига нисбатан бундай фикр шаклланмалиги мумкин. Сабаби, улар газета саҳифаларида эълон қилинган мақолаларнигина жойлаштиради. Аммо www.karstars.com сайти бундан мустасно. Негаки, ушбу сайтда нафақат эшиттиришлар, балки журналист ва аудиториянинг шахсий кузатишлари, муаммолари ҳам жойлаштирилади. Оммавий коммуникациядаги асосий муаммо ҳали ОАВ сайтларининг жамият билан муамоалага кириша олмаётганида ҳам. Тўғри, бизнинг ОАВ учун онлайн энди ривожланаётган соҳа. Бироқ унинг имкониятларини ҳам эсдан чиқармаслик керак. www.erkinkk.kr.uz сайтидаги битта мақолага ўттизта одам қатнашган. Ўн иккитаси фикр билдирган. Бу ёмон кўрсаткич эмас. Аммо сайтнинг доимий ишламаслиги, саҳифаларининг янгиланмаслиги унинг алоқасини чегаралайди. Аудитория бир икки марта унга киролмаса, кейин изламай қўяди. Сабаби, интернетда маълумотлар кўп.

Электрон оммавий коммуникациядаги яна битта муаммо бу алоқанинг чегара танламаслиги. Бу ижтимоий сайтларда яққол намоён бўлади. Бугунги кунда www.facebook.com, www.twitter.com, мой мир, www.odnoklassniki.ru каби сайтлар мавжуд. Унда миллионлаб одамлар бир вақтнинг ўзида ўтиради. Мулоқот қилади. Ахборот алмашинади. Бу ахборотлар эса турлича бўлиши мумкин. Ёзишмадаги ёзма коммуникация инсонни ўзгартириши

мумкин. Шунинг учун ҳам қора кучлар одамларни эргаштиришда шундай сайтлар имкониятидан фойдаланади.

Оммавий коммуникация жонсиз, ўлик восита. Шу жумладан интернет ҳам. У фақат одамлар билан яшайди. Улар орқали бошқарилади. Илк бора матбуот пайдо бўлганда, у оммавий алоқа воситаси бўлиб хизмат қилди. Сўнгра аудивизуаллик хусусиятга эга телевидение ҳамда радионинг кашф этилиши матбуотни орқада қолдирди. Бундан кўринадики, инсон психологияси ва оммавий коммуникацияни қабул қилиш хусусияти нафақат матбуотга хос мантиқий фикрлашга, ундан кўра кўпроқ одамларнинг аудиовизуал фикрлаш, кўришига боғлиқ. Интернет яратилгунча аудиовизуаллик хусусиятлари билан телеканаллар оммавий алоқа қудратига эга бўлди. Тармоқ кириб келгандан кейин эса у ўзининг олдингидек аҳамиятини сусайттирди.

Фан-техника ривожланаверади. Тараққиёт одимлайверади. Янги оммавий коммуникация воситалари яратилаверади. Битта оммавий алоқа воситаси бошқасига ўрин бўшатиб бераверади. Шундай экан анъанавий ОАВ воситалари янги коммуникатция воситалари имкониятидан фойдаланиши зарур. Ҳозирда интернет кириб бормаган ҳудуд қолмади. У оддий коммуникация воситаси сифатида қараладиган бўлди. Афсуски, Қорақалпоғистонда унга журналистика воситаси сифатида қаралмаяпти. Ҳануз интернетда бор бўлсак бўлдида деган тушунча тарк этмаган. Туман газеталаридан “Тўрткўлнома” биринчи марта ташаббус билан электрон нашрини йўлга қўйган эди. Аммо у узоқ яшамади. Савол тўғилаверади. Нега электрон ОАВ тизими мамлкатимизда яхши ишламайди? Бунга иккита асосий сабабни кўрсатишимиз мумкин;

- журналистлар интернетни ОАВ воситаси эканлигини тан олишмаяпти;
- электрон ОАВ талабларини билишмайди.

Шу иккита муамммо бартараф этилса, электрон ОАВ фаолияти ҳам жонланади. Қорақалпоғистонда интернет журналистикаси ривожланади.

# ХУЛОСА

Журналист катта қўнғироқни чалувчига ўхшайди. Шов-шув кўтаради, бонг уради. Дунёни ларзага келтиради. Жамоатчилик фикрини шакллантиради.

Ҳозирда ахборот инсон учун табиий эҳтиёжга айланган. У доим аудиторияда тинимсиз айланиши керак. Одамларни янгиликка даъват этиши, кайфиятини кўтариши ҳамда ислоҳатлардан шукроналик билан яшашга ундаши зарур. Шундагина ОАВ ахборот майдонида ўз вазифасини бажарган бўлади.

Қорақалпоғистон интернет журналистикаси ҳам ахборот ишлаб чиқаришда шунчаки, унинг сотилиши, оммалашишини эмас, балки халқни сифатли, теша-тегмаган, фойдали товар билан таъминлаши мақсадга мувофиқ. Негаки, айни пайтда минтақанинг 64% ёшлар ташкил этади. Бу қатлам эса ахборот истеъмолида асосан телевидение ва интернетни афзал кўради. Биронта мавзуга оид маълумот қидирса, дарров уни тармоқдан излайди. Табиийки, тармоқ унга чегарасиз ахборотларни тақдим этади. Ушбу ахборотларнинг ҳаммаси ҳам ҳаққоний бўлмаслиги мумкин. Унда ахборот ҳуружи ҳам бўлиши эҳтимол. Шундай вазиятда Қорақалпоғистон интернет журналистикаси оммага шаффоф, объектив, ҳаққоний ахборот етказиб бериши керак.

Тадқиқот давомида минтақада фаолият кўрсатаётган ОАВ сайтларида шундай ахборот етказиб бериш имконияти мавжудлиги маълум бўлди.

Негаки, деярли барча электрон ОАВ замонавий кўринишда, бошқа чет давлатларнинг сайтларидан қолишмайди. Аммо бу масалада муаммолар бор. Айримлар интернет журналистикасининг қудратига ҳамон ишонмаяпти. Шунчаки, анъанавий ОАВ воситалари билан чегараланаяпти. Глобаллашув жараёни авж олаётганда оммани тезкор, таъсирчан, ҳаққоний ахборот билан озиқлантириш долзарб масала. Айниқса, ёшларнинг онги, таффаккурини миллийлигимиз билан суғорилган ахборот билан тўлдириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Глобализация жараёнини кўриб туриб унга эътиборсиз қараш, ахборот маконида ўз миллий ахборотимиз билан айрим ахборот ҳуружларига қарши жавоб қайтарадиган интернет тизимидаги минтақада фаолият кўрсатадиган электрон ОАВ сайтини кўрмадик. Бугунги шароитда бу бизга катта юқотиш бўлиши мумкин. Шунинг учун Қорақалпоғистон интернет журналистикасини ривожлантириш, ахборот айланишини яхшилаш журналистика олдида турган энг катта вазифа.

Қорақалпоғистон журналистикасидаги яна битта муаммо бу тармоқ тилини тушунадиган мутахассисларнинг йўқлигида ҳам кўришимиз мумкин. Аксарият журналистлар анъанавий ОАВ воситаларига мослашган. Шу ОАВни улар биринчи даражада деб билишади. Тўғри, анъанавий ОАВ воситаларининг жамиятдаги роли катта. Аммо XXI асрда аудиториянинг кўпроқ қайси коммуникация воситасидан фойдаланаётганлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Гап шу ерда яна интернет журналистикани ривожлантиришга бориб тақалаверади.

Тадқиқот давомида минтақадаги электрон нашрларнинг айримлари гоҳ ишлаб, гоҳ ишламай қолишининг гувоҳи бўлдик. Масалан, “Қарақалпақстан жаслары” газетасининг сайти ишламаётганлигига икки ой бўлган. Биз таҳририят билан боғланганимизда улар сайт фаолияти молиявий масалалар ва интернет сетининг яхши эмаслиги боис вақтинчалик ишламаётганлигини маълум қилди. Ғарб журналистикасида ҳар битта коммуникация воситаси молиявий имкониятларини ахборотни сотиш орқали кучайтиради. Баъзи электрон сайтлар эса пулли рекламалар ҳисобидан тирикчилик қилади. Яъни

ОАВ воситалари молиявий имкониятларини ахборот экспорти орқали яхшилайди. Шундай экан, минтақадаги ОАВ воситаларнинг бу сувдан қуруқ чиқишларини эринчоқликдан бошқасига тўнкаб бўлмайди.

Изланиш давомида Қорақалпоғистон интернет журналистикасида айрим шахсий блогларнинг электрон ОАВга нисбатан яхши фаолият кўрсатиши маълум бўлди. Аудитория ҳам шу блогларни севиб кузатиб борар экан. Масалан, Р. Аллашовнинг блогиги ҳар куни кўп фойдаланувчилар ташриф буйиради. Журналист билан ҳамсуҳбат бўлади. Таклиф, фикрларини ўртага ташлайди. Мақолаларга изоҳ беради. Шунингдек, аудитория ўз мақолалари билан унда қатнашиш имкониятини қўлга киритади. Бу аудитория учун ҳам қизиқарли, ҳам фойдали. Негаки, блог уларни ахборот билан таъминлайди, уларга фикр, мулоҳазаларини очиқчасига айтишдек шароит яратиб беради. Бу усул тармоқ журналистикасида ўзини оқлаган. Худди шундай афзалликларни бошқа блоглар мисолида ҳам кўрдик. Аммо шундай жонли ҳаёт минтақадаги электрон ОАВда кўринмади. Фақат, “Нукус ФМ” радиоканали сайти бошқаларига қараганда анча жонланган. Мазкур ОАВ сайтлари ушбу блоглар фаолиятидан ўрнак олса бўлади. Шунда веб-сайтлар анча ривожланади, яхшиланади.

Интернет ва анъанавий журналистика ўртасида умумийлик ҳамда ўзига хосликлар мавжуд. Масалан, интернет ахбороти билан анъанавий ОАВ ахбороти қисман ўхшаш. Аммо тармоқ ахборотида асосан лўндаликка, лиддан фойдаланишга урғу берилади. Буни аудиториянинг тўрт қатордан ортиқ ахборотни қабул қилолмаслиги билан баҳолашади. Илмий изланишда электрон сайтларга жойлаштирилган ахборотларнинг 80% анъанавий ОАВдан шундай кўчирма эканлиги маълум бўлди. Масалан, “Jetkinshek” газетаси сайтидаги янгилик ўн тўрт, ўн беш қатордан иборат. Аммо баъзида олти, етти қатордан ташкил топган янгиликлар ҳам сайтга жойланади. Шундай вазиятни “Тўрткўлнома” газетаси электрон нашрида ҳам кўрдик. Қорақалпоқ интернет журналистикасида ушбу камчиликларни бартараф этадиган онлар келди, наздимизда. Агар электрон ОАВ воситалари тармоқ

журналистикаси ҳақида назарий билимга эга бўлганида, бу муаммолар кузатилмаган бўлар эди.

Ҳозирда Қорақалпоғистонда интернет журналистикаси ривожланиш босқичида кетмоқда. Мавжуд журналистик сайтлар янги интерактив дастур, эшиттириш ва қизиқарли, айниқса шов-шувли ахборотлар тарқатишга, аудиторияни жалб қилишга қисман ҳаракат қилинмоқда. Аммо ушбу сайтлар тармоқ журналистикаси талабларига тўла жавоб беролмайди. Биз сайтларни ўрганганимизда сайтларнинг кўпчилиги ўз вақтида янгиланмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Буни мақолалар тагидаги бериладиган форум, изоҳлардан ҳам билса бўлади.

Интернет саҳифаларида қорақалпоқча персонал сайт ҳам мавжуд. Унда асосан кўнгил битиклари, мақолалар, таклиф-мулоҳазалар эълон қилинади. С. Жумағуловнинг шахсий сайтида эса яхшигина журналистика соҳасига оид изланишлар бор.

Қорақалпоқ тилидаги интернет сайтлари иқтисод, тадбиркорлик соҳасида яхши йўлга қўйилган. Аммо журналистик сайтларда бу ҳануз муаммога айланмоқда.

Миллий қўшиқ, қорақалпоқча китоблар www.karakalpaknama.uz ва www.musstars.com сайти ҳисобланади. Ундан айрим қўшиқ, китоблар ҳақида маълумот олса бўлади.

Интернет журналистикасида ОАВ ва ОАВда интернет масаласи бир бирига жуда яқин. Аммо бу боғлиқлик Қорақалпоғистон интернет журналистикасида аниқ сезилмаяпти. Соҳадаги ёши катталар тармоқ журналистикасини тан олишни истамайди, ёшлар эса интернетсиз ҳаётини тасаввур қилолмайди.

Қорақалпоқда битта мақол бор: "Карвон бориб-келиб тузалади". Худди шундай Қорақалпоқ интернет журналистикасининг ҳам бора-бора ривожланишига ишонамиз.

Бу йўналишда интернет ва у орқали ҳаракатга келадиган онлайн журналистиканинг ўрни ва аҳамияти муҳим бўлиб қолаверади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

**1.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 1992.Каримов **2**. Қарақалпақстан Республикаси Конституцияси. – Нукус, 1993

**3**. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср остонасида: хавфсизликка таҳдид, барқорорлик шартлари ва ривожланиш кафолотлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.

**4**. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

**3.** Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Олий Мажлис Қонунчидик палатасининг XIV сессиясидаги маърузасидан, 2001.

**4.** Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Тошкент: Шарқ, 2000.

**5.** Машарипова Т. Фотожурналистика жанрлари. – Нокис: Қарақалпақстан, 2006.

**6.** Марахимов А., Рахманқулова К.С. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. – Тошкент: ТошДТУ, 2001.

**7.** Мўминов Ф.А. Журналистика самарадорлиги.–Тошкент: ТошДУ, 1996.

**8.** Мўминов Ф. А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Тошкент: ТошДУ, 1998.

**9.** Норов О. Интернет бошқариш манбаими?. “Ma’rifat” газетаси, 2006 13-май.

**10**. Рашидова Д.К. Интернет в Узбекистане: проблемы и возможности. – Тошкент, 2003.

**11.** Рашидова Д, Муратова Н. Интернет журналистика. –Тошкент: Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, 2007.

**12.** Санжар Содиқ. Радио журналистика. -Тошкент: Шарқ, 2010

**13**. Интернет журналистика. –Тошкент: ЎзДЖТУ, 2005.

**14.** Уснатдинов Ш. Журналиститкаға кирисиу.–Нокис: Қарақалпақстан, 2009.

**15.** “Қарақалпақстан” радиоканали жамийети. Нокис: Қарақалпақстан, 1996.

**16.** “Қарақалпақстан” радиоканали жамийети. Нокис: Қарақалпақстан, 2001.

## РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛИДА ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

**1**. Марысаев В. Интернет и мультимедиа. –Москва: Издательство: Терра - Книжный клуб, 2001

**2.** Калмыков А, Коханова Л. Интернет-журналистика. – Москва: Издательство: Юнити-Дана, 2005.

**3.** Горохов В.М. Основы журналистического мастерства. – Москва: МГУ, 1989.

**4.** Засурский Я. Дизайн, конвергенция и дамассификация журналистики. – Москва: Вестник МГУ, 2004, № 4, 175-бет.

**5.** Здоровега В.И. Слово тоже есть дело. – Минск: Наука, 1986.

**6.** Рэндалл Д. Универсальный журналист. –Алматы, 1996.

**7.** Waters, Malcolm. Globalization. –London: Routldge, 1995, page-2.

## Тадқиқ қилинган ва ўрганилган сайтлар

**1.** www.sovminrk.gov.uz

**2.** www.uza.uz

**3.** www.museum-s.info

**4**. www.erkinkarakalpak.uz

**5.** www.karakalpak.com

**6.** www.jetkinshek.uz

**7.** www.qqjaslari.uz

**8**. www.turtkulnoma.uz

**9.** www.karstars.com

**10.** www.musstars.com

**11.** www.Nukus.net

**12.** www.fotojurnalistika.ru

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА ҚЎШИМЧА ИЛОВАЛАР

www.erkinkarakalpak.uz сайти



Просмотров: 2 | Автор: Erkin | Дата: 04.02.2013 10:54 | Подробнее...

» АРАМЫЗДАҒЫ АДАМЛАР

## ЖУРНАЛИСТ ЗАМАНЫНАН АЛДА ЖҮРИЎИ КЕРЕК

«Журналист-жаңалықлар жаршысы» деген сөз бийкарға айтылмаған. Ҳақыйқатында да, турмысымызда жүз берип атырған жаңаланыўлар менен машқалаларды, сондай-ақ, пүткил дүньялық ўақыяларды халқымыз ең алды менен радио, телевидение ҳәм күнделикли басылымлар арқалы еситеди, хабардар болады. Бул кәсип ийелериниң бир қатары тек ғана «жеткериўши» болыў менен шекленип қалмастан, өзи сөз етип атырған объектке жеке көзқарасын да билдирип өтеди. Талқылайды. Бул тайпадағы журналистлер бир неше фактлерди жәмлеп, оларды салыстырма түрде таллаў арқалы белгили бир шешимди ортаға таслайды. Керисинше, бир факттиң дөгерегинде түрлише таллаўлар жасап, пайдалы усынысларын да бере алыў қәбилетине ийе. Тилекке қарсы, олар азшылықты қурайды.

Просмотров: 9 | Автор: Erkin | Дата: 04.02.2013 10:52 | Подробнее...

» ОҚЫЎШЫ ОЙ САЛАДЫ

## ЎАҚТЫНДА ЕСАПЛАСҚАН УТТЫРМАЙДЫ

«Суўсыз тиришилик жоқ» деген даналық сөз бар халқымызда. Ҳақыйқатында да, суўсыз тиришиликти көз алдымызға келтирип болмайды. Аўыл хожалығында, санаатта, қурылыста, ҳәттеки күнделикли турмысымызда да суўға болған талабымыз көп болатуғынлығы анық. Сонлықтан, суўдың артықша ысырап етилиўиниң алдын алып, оған айрықша мүнәсибетте болыўымыз керек.

Әсиресе, пайтахтымыздағы көп қабатлы турақ жайларда бир күн яки бир мезгил болса да суўдың тоқтатылып қалғанлығын мысал етип келтирип көрейик. Әрҳашама әбигершилик жүзеге келеди


www.erkinkarakalpak.uz
ОҚЫЎШЫ ОЙ САЛАДЫ
ЎАҚТЫНДА ЕСАПЛАСҚАН УТТЫРМАЙДЫ
«Суўсыз тиришилик жоқ» деген даналық сөз бар халқымызда. Ҳақыйқатында да, суўсыз тиришиликти көз алдымызға келтирип болмайды. Аўыл хожалығында, санаатта, қурылыста, хәттеки күнделикли турмысымызда да суўға болған талабымыз көп болатуғынлығы анық. Сонлықтан, суўдың артықша ысырап етилиўиниң алдын алып, оған айрықша мүнәсибетте болыўымыз керек.
Әсиресе, пайтахтымыздағы көп қабатлы турақ жайларда бир күн яки бир мезгил болса да суўдың тоқтатылып қалғанлығын мысал етип келтирип көрейик. Жәншама әбигершилик жүзеге келеди. Соның ушын да ишимлик суўынан орынлы пайдалана билсек, пайдаланғанымыз ушын ўақтында ҳақысын төлеп турсақ мақсетке муўапық болар еди. Себеби, күнделикли турмысымызда пайдаланып отырған таза ишимлик суўының бизиң шаңарағымызға жетип келемен дегенше қаншама адамлардың мийнети бар екенлигин аңлап жетиўимиз, олардың хызметлериниң қәдирине жете билиўимиз керек. Бирақ, көпшилик пуқараларымыз биз сөз етип атырған мәселениң бул тәреплерине онша итибар берме бермейди.
НАРОДНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
Формировать всесторонне развитую личность
Сегодня школа — первое важное звено в цепи непрерывного образования. И именно от того, как организован учебный процесс, зависит дальнейшее обучение детей в лицеях, колледжах, а затем и в вузах.


www.erkinkarakalpak.uz/index.php/2012-02-20-20-29-52
Еркин Қарақалпақстан Вести Каракалпакстана
КОНКУРС
Обьявление о грантовом конкурсе от 20 апреля 2012г.
Общественный Фонд по поддержке негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан
Объявляет конкурс на получение гранта
Тематика конкурса: «Реализация важнейших государственных и региональных программ социально-экономического развития, в том числе в области поддержки молодых семей, молодежи и женщин, обеспечения их правовой и социальной защиты, оказания им содействия в организации семейного бизнеса, частного предпринимательства и надомного труда, особенно в отдаленных сельских регионах республики».
Календарь
2013
Февраль




[www.sovmink.gov.uz](http://www.sovmink.gov.uz) сайти




www.museum-s.info сайти



# БЛОГ - летопись
## про один из лучших музеев мира - музей искусств им. И. В. Савицкого

По оценкам специалистов и мировой прессы, галерея Государственного музея искусств Республики Каракалпакстан имени Игоря Витальевича Савицкого является лучшим художественным собранием Азиатского региона, обладает 2-ой в мире по значимости и объему коллекцией произведений русского авангарда. Коллекция Нукусского музея «проливает свет на историю русского искусства» и «дает истинную картину художественной жизни 1920-1930 гг» (проф. Хансен-Леве, Ж.К. Маркаде). Английская газета «Гардиан» назвала Нукусский Музей первой категории «одним из прекраснейших музеев мира». Такую же оценку музею: Один из лучших музеев мира - дали Альберт Гор и Жак Ширак.

## ВСЕОБЩЕЕ ПРИЗНАНИЕ

Тридцать лет назад, в 1966 году, в Нукусе открылся Музей искусств, сумевший за очень короткий срок скопить многочисленное собрание, насчитывающее свыше 81500 единиц хранения. В начале семидесятых годов музей притягивает к себе специалистов и знатоков искусства, поскольку в далеком от официальных центров Нукусе можно было увидеть то, что подвергалось гонениям в СССР в течение многих лет. Подробнее...

## Музей первой категории

Каждый музей имеет свою категорию, их всего пять. В 1991 году наш музей получил первую категорию. Эта категория присваивается музеям с мировой известностью и посещаемостью свыше 300.000 человек в год. Хотя такой посещаемости здесь никогда не было, для нукусского музея было сделано исключение из-за его экспонатов. Тем самым он был поставлен в один ряд с Третьяковской галереей, Русским музеем и Эрмитажем. Подробнее...

## ВСТРЕЧА В МУЗЕЕ

дата: 24 февраля 2008 / автор: Нестор / прочитано: 2309 раз(а)

### По ЗАЛАМ МУЗЕЯ:

- История музея
- Галерея
- Информация для посетителей
- Библиотека
- Книжный магазин
- Народно-прикладное искусство
- Образовательные программы
- Публикации
- Новости
- Карта диспозиции

- **Главная страница**

К 90-летию И. В. Савицкого

И. В. Савицкий в Википедии

С. П. Толстов в Википедии

Изображение

### Русский авангард:

Бакулина Людмила (1905-1980)
Барто Ростислав (1902-1974)
Богданов Сергей (1888-1967)

**www.kkreporter.uz блоги**




[www.jetkinshek.uz](http://www.jetkinshek.uz) сайти




www.karstars.com сайти


Mak - Nukus FM » MP3 qosiqlar - Opera
www.karstars.com/load/mak_nukus_fm/16-1-0-627
Ha'zir saytta 6 adam bar.
Sa'lem, saytqa kirin' ya'ki registratsiyadan o'tiw |
Login:
Parol:
Paroldi tiklew
Izlew
Ha'mme bo'lim Media Jan'aliqlar
Bas bet
Estrada
QQ Jan'aliqlari
Media
Foto
Juldizlar
Forum
SMS
Ha'ptelik soraw: +19
Media > MP3 qosiqlar > [M]
Qosiw
Mak - Nukus FM
Sizdin' reklama usi jerde
Qosiqshi haqqinda
Qosiq tuwrali
2010 Qaraqalpaqstan Hip-Hop Battle'inda utqan qosiq. Mak - Нукус ФМ - Победитель первого оффициального баттла Каракалпакстана (2010). Батл длился 4 месяца. -Kanat B.
Bo'lim: [M]
Qosildi: 01.06.2010
Ko'rildi: 987
Tartip alindi: 19
baxa1993-com
Fayda problema
Ag'la paydalanıwshılar
Apon_91 avatari
Apon_91 (17)
Salanho (11)
пуск
Mak - Nukus FM » MP...
14:56